

Аҳадқули Холмуҳаммад Ўғли

ҲАҚИҚИЙ ОМАД КАЛИТИ ЁХУД

САВДОГАРЛАР
УСТОЗИ

2

ЕНТ 2023

УДК 332.234.001

№45

ВБК 866.71.А71

Аҳадқули Холмуҳаммад Ўғли

ISBN 978-9943-8428-1-6

ҲАҚИҚИЙ ОМАД КАЛИТИ ЁХУД САВДОГАРЛАР УСТОЗИ 2

Аҳадқули Холмуҳаммад Ўғли Тошкент:

“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” МЧЖ, 2023.- 160 бет

ҲАҚИҚИЙ ОМАД КАЛИТИ ЁХУД САВДОГАРЛАР УСТОЗИ 2

Бош муҳаррир: Дилшод Каримов

Муҳаррир: Шаҳобиддин Ортиқов

Такризчи: Обираҳмад АБДУЛҒАНИЙ

Саҳифаловчи безакчи: Личагин Д.

Муқова расоми Жўраев Нажотбек
(Фернандес Суаресдан намуна олган)

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ мазкур асардан муаллифнинг руҳсатисиз ҳар қандай (аудио, электрон, нусха кўчириш, босиб чиқариш, бошқа тилларга таржима қилиш) усулда фойдаланиш ва тарқатиш қонунан жавобгарликга тортилади.

©“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти, 2023й.

© Аҳадқули Холмуҳаммад ўғли

СЎЗ БОШИ

“Буюк муҳаддис, мударрис, устоз, гўзал нотик, шаҳарларда тожир, жангларда тенгсиз қаҳрамон” бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари ҳақидаги “Ҳақикий омад калити ёхуд Савдогарлар устози 2” асари эзгу ғояларни моҳиятига мужассам этгани билан эътиборга моликдир.

Муаллиф Аҳадкули Холмуҳаммад ўғли қаламига мансуб ушбу асарнинг биринчи қисми ўқувчиларга таниш бўлгани боис узундан-узоқ мулоҳазаларни келтирмоқчи эмасман. Зотан, иккинчи қисми кўлингизда турибди. Ўқиб, баҳони ҳар бир ўқувчи ўзи бергани маъқул. Лекин бир фикрни айтиш жоиз: буюк муҳаддис олим, улуғ савдогар, ботир жангчи Абдуллоҳ ибн Муборак Р.з. ҳазратларининг ҳаёти ҳам, қолдирган мероси ҳам ҳар биримиз учун ниҳоятда ибратлидир. Бу инсоннинг ўз замонасида катта шухрат келтирган саҳийлиги, илмпарварлиги, закий сармоядорлиги, жанглардаги жасурлиги тўғрисида битилган ушбу асарни мухтасаргина қилиб “Ҳиммат ҳақида гўзал қисса”, деб аташ мумкин.

Китобнинг эзгу моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, уни ўқиган киши, айниқса, ёшлар,

тадбиркорлар, савдогарлар наф олишига, асар Устоз тутиш, илм олиш, тижорат ва сармоя иши, ҳиммат, ғайрат борасидаги қўлланмалардан бири бўлишига амин бўламиз.

Ҳазратимизнинг таъбири билан айтганда, оқил киши ўз замонасини яхши англаган бўлишидан ушбу асарни ўқиш натижасида китобхоннинг қалбида ҳам соғлом ақл билан иш кўриш туйғуси ниш уриб, асар ўқувчиларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Обираҳмат АБДУЛҒАНИЙ
Исломшунос.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

КИРИШ

Кўлингиздаги ушбу мўъжаз китоб “Ҳақиқий омад калити ёхуд Савдогарлар устози” номи билан инсонларнинг қалбидан жой олган ва “Давоми борми?”, деган юзларча сўровларнинг жавоби ўлароқ “Ҳақиқий омад калити ёхуд Савдогарлар устози 2” бўлиб сизларга тақдим этилмоқда.

Иккинчи қисмида мусулмонларнинг бой бўлишидаги ҳикматлар, бойликнинг нафи, ундан кўзланган мақсадлар, кўлдаги мулкга эмас, АЛЛОҲ Таълонинг даргоҳидаги хазиналарга кўпроқ ишонишнинг буюк ютуқлиги, жўмардликнинг беназир намуналари, жасурликнинг “кўрқоқлик умрини узайтирмайди, ботирлик умрни қисқартирмайди” қабалидаги гўзал англамлари, устозга, ота-онага хизматнинг ҳақиқий юксалиш экани, тил ўрганишнинг инжа сирлари, бола тарбиясининг нозик жиҳатлари, шерикчиликнинг нодир намуналари, тижоратчи

бўлишнинг ғайратни жўштирар томонлари, сафар, саёҳат қилишнинг минг бир фойдалари, соғлом ҳаётнинг ҳалигача ўзгармаган олтин қоидалари, сармоядор бўлишнинг нозик томонлари ва бошқа ажиб бир илмларнинг қиссаларда жо бўлган дилга яқин жамланмаларини кўрасиз.

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари мадрасада мударрис, устоз, гўзал нотик, шаҳарларда тожир, жангларда буюк бир қаҳрамон эди. Қалам ва қилич соҳиби эди. Қалами билан ўзидан кейин келадиганларнинг ҳаётини енгиллаштирадиган асарлар ёзди, қиличи билан тилларда дoston бўлгулик мардлик ва жасоратнинг беқиёс намуналарини кўрсатди.

Ушбу китоб жонимдан азиз бўлган устозим Абдуллоҳхон эшонбобом, ота-онам ва отамдек меҳрибон Абдуссалом бобом ва тижоратда устозим Баҳриддин акага бағишланади. Ўқиганингизда устозим, ота-онам, бобом, тижорий устозим ва каминани дуоларда йўқлашингиздан умидворман.

САРМОЯНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Бир томондан Фурот, бир тарафдан Нил дарёси билан ўралган, саҳронинг илик ҳовури баъзан кўз олдингизда ажиб рўёлар намоён қиладиган эртақмонанд шаҳар. Неча минг одам келишни орзулайдиган жой, яна нечалар кўнгил узолмайдиган, илмдан воз кечиб кетолмайдиган маскан.

Айниқса, шаҳарнинг осудалиги ўзгача. Келганларнинг илк эътиборини тортадиган жиҳат ҳам шу: чор-атрофдаги хотиржамлик, сокинлик, сукунат. Ҳаловат неъматинсонларнинг руҳига, фитратига, кайфиятига ҳам кўчган. Бозорда одамларнинг ҳатто савдо устида тортишиб турганини кўрмайсиз.

Кўчалари тоза, озода. Боғларда очилган анвойи гуллар муаттар ҳидлар таратиб, киши қалбида номаълум ҳислар уйғотади. Одамлари — меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, илму ижод бандалари. Дафъатан, бирор юмушингиз тушиб, қайси бир эшикни тақиллатсангиз, сизни мезбон, албатта, очиқ чехра билан кутиб олади — ҳолингизни сўрайди, қандай ёрдам керак

бўлса, баҳоли қудрат адо этишга интилади. Худди Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Мовароуннахр, Хуросон, Марвдагидек бу азим гўшанинг инсонлари ҳам меҳмонларни яхши кўради.

Кимдир ҳақсизликка учраса, маҳкама ўша куни ишини ҳал қилади. Илмда бир саволи чикса, тезда жавобини топади. Қийналса, закотдан ажратиладиган пуллардан улуши бор. Иш қидирса, юзлаб тожирларнинг юкларни ортиб, тушириб турган жойга борса бўлди. Устоз қидирса, Имоми Аъзам Р.з (РОЗИЙАЛЛОҲУ Анху, қолган ўринларда қисқартирилиб Р.з ёзилади) ҳазратларининг Абу Юсуф ва Имоми Муҳаммаддек забардаст шогирдлари бор.

Карвонсаройларида ҳам илмга ташналарнинг суҳбатлари одамга севинч беради. Таърифлаганимиз жойни пайкагандирсиз. Ҳа, бу ошиён – Ислом оламининг пойтахти Бағдоддир. Унга ёндош Басра, Куфа шаҳарлари ҳам шу пойтахтнинг ажралмас бўлаги, ҳар бирининг дунё ривожига алоҳида ўрни бор.

Камина айна пайтда бозордаман. Абдуллохни кутиб турибман. Бағдодда ҳаёт қайнаган. Одамлар қизгин тижорат билан банд. Яқиндагина Самарқандда бўлиб қайтгандик. Нақадар гўзал, баракали жойлар. Фузайл ибн Иёздек самарқандлик акобир зот у ерларни бежиз орзу қилмайди. Аввал ҳам борганмиз, аммо бу сафар кўпроқ жойларни кўрдик. Юзлаб оламга донғи кетган тожирлар билан танишдик...

Ҳа, хаёлларим тўзғиб кетди. Мана вақт пешинга яқинлашяпти ҳамки Абдуллоҳдан дарак йўқ. Ниҳоят қўлида бир катгароқ тилла халта билан кўринди.

– Сал қолса, сенсиз жамоат намозига кетиб қолардим, – дедим табассум қилиб. Шу тариқа қисқа суҳбат бошланди.

– Хабаринг бор уч йиллар аввал бир тожирга сармоя қилгандим. У от савдосини бошлаётганди. Ўша одам бугун фойдамни олиб келди. Музораба қилгандик. Мен пул бергандим, у меҳнат қилганди. Шунча вақтдан бери хабарлашмагандик. **Зотан, сармоя сабр демак.** Мени севинтиргани кўрган фойдамдан

хам кўпроқ бу йигитнинг омонатдорлиги, ваъдасига вафоси ва ғайрати. Алҳамдулиллах, Ислом бизни нақадар бахтли қилди. Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ нақадар меҳрибон бизга. Бутун ҳаётимизни, тақдиримизни гўзаллаштирди. Мусулмон бўлмаганимизда шу шарафлар бормиди?! Бу йигитнинг шу омонатдорлигини кўрармидик?!

– Рост айтасан. Худога шукур, Ислом билан азиз бўлдик. Айтганча, сармоя масаласида бугун йиғилиш бор эди. Пешиндан кейин. Қани тайёргарлик кўрайлик...

Белгиланган вақтда йиғилиш бошланди. У ерда ҳатто бошқа дин вакиллари ҳам бор эди. Ҳар ким ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Шунда устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратларидан ўрганганларимизни амалда қўллаган Абдуллоҳга навбат келди. У ўктам овозда дона-дона гапира бошлади.

– Бугун кўпчилик бирор ишга сармоя киритмоқчи бўлса, ё ҳаммасини, ё асосий қисмини сарфлайди. Бу чуқур ўйланмаган иш. Аслида йигирма дирҳам пули бор одам беш

дирҳамини сармоя қилиши, беш дирҳамни захирада қолдириши, қолган ўнини янги ишлар учун олиб қўйиши фойдалироқ. Чунки киритилган пул миқдори кам бўлса, хато қилганингизни билганингизданок ортга қайта оласиз. Яна бир манфаатли иш чиқса, унга ҳам сармоя кирита оладиган пулингиз борлиги устунлигингиз бўлади.

Бир муҳим гап: “Сармояни йўналтиришнинг энг тўғри йўли айнан шу!” деёлмаймиз, бу мумкин эмас. Чунки бугун хато бўлиб кўринган тадбир аввал тўғри ва фойда келтирган, бугун фойдали сармоя дейилаётган тутумлар балки аввал самарасиз бўлгандир. Пулингиз йўқ вақтда келадиган имкониятлар ҳам бор. Шунинг учун доимий пул жамғариш яхши имкониятларни ўтказиб юбормаслигингизга сабаб бўлади.

Сизларга айтаётганларим устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратимизнинг ўғитлари ва шахсий тажрибалардан ҳосил бўлган илмлардир.

Инсонлар бутун умр ишлолмайди, кексайиш, кучсизланиш бор, шу боис жисмоний ва аклий қувватингизни тежаб, баъзи кўзланган

ишларни бажаришга пулларни ишлатиш кулайроқ, чунки жони йўқ нарса кексаймайди, касалланмайди, чарчамайди.

Яна тажрибадан ўтган айрим ишларни ҳам айтиб ўтсам. Киритган сармомия ва берган ёки олган қарзларимиз (қарз ҳам сармомия аслида, чунки садақадан 18 барабар кўп савоб келтиради) ҳаловатимизни ўғирлайдиган, ўйларимизни банд қиладиган, ҳатто намоз, оилавий муносабатлар, қариндош ва дўстлар билан алоқаларгача салбий таъсир қиладиган даражада бўлмаслиги керак. Бу мушкул вазият, ҳатто ҳаёт тарзингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Энди тушунтирай: сиз кўлингиздаги пулнинг шундай қисмини сармомия қилингки, кунларингиз одатдагидек ўтсин, кайфиятингизга жуда қаттиқ таъсир қилмасин, шундай миқдор қарз олингки, тез қайтариш имкониятингиз бўлсин ва ортиқча сиқилиш миангизни банд қилмасин, шундай қарз берингки, (савобини англаган ҳолда) муносабатларни бузмасин.

Сармомия киритмоқчи бўлсангиз, фаросатингизни ишга солиб қарор қабул қилинг,

мабодо сиз ҳиссиётга берилиб, айтайлик, жуда севиниб ёки хафа бўлиб турганингизда пул киритсангиз, кутган натижангизни ололмайсиз, ундан ташқари тиниқ мия билан қилган қарорларингизни ҳиссиётга берилиб турганингизда қайта кўриб чиқманг, сабаби бу жуда хатарли, ҳатто режаларингизни бузиб юбориши мумкин.

Қарз олсангиз, ҳиссиётга берилган ёки қаттиқ сиқилувда бўлган вақтда қарор қабул қилманг, мабодо шундай вазиятда қарз кўтарсангиз, эҳтиёжингиздан ортиқ пул олиб юборишингиз ва оқибатда қарзга ботиб қолишингиз мумкин.

Қарз берсангиз, сўровчининг ҳолига боқинг, чунки у одатда жуда муҳтожлигидан қарз олади. Сиз сўровчининг келтирган сабабларига диққат қиласиз ва эҳтиёжини қоплаб, у сўраган муддатдан кўпроқ муддат берасиз ва шу берилган вақт мобайнида қарзингизни сўрамайсиз, ваъдангизни бузмайсиз. Пул керак бўлганда биринчи сиздан қарз олганларни йўқламанг, бошқа имконият изланг. Мабодо ваъдангизни бузадиган бўлсангиз, қарздор одам

қариндошингиз бўлса, қариндошликка, дўстингиз бўлса, дўстликка, кўшнингиз бўлса, кўшничиликка путур етиб, орага совуқчилик тушиши мумкин.

Мухим коида: пул олди-бердиси натижасида юқорида санаб ўтилган алоқалар бузилиб кетишига йўл қўймаслик ҳақида бош қотириш лозим. Чунки қариндошлик, дўстлик, яхши кўшничилик — азиз неъматлар. Бой бўлиш яхши, аммо атрофингизда яхши инсонларнинг кўплиги ҳам жуда муҳим.

Мендан сармойани қайси ишларга йўналтириш яхши эканини сўрашингиз мумкин, жавобим эса оддий: **сизга фойда келтириб турган тижоратингизга ёки инсонларнинг муаммоларини ҳал этиб, ҳаётини енгиллаштирадиган ишларга!**

Энди мабодо ниҳоят бирор жойга пул киритган бўлсангиз, сабрли бўлинг, шунда секин-аста сиз кутган фойдалар кела бошлайди.

Тижорат илмидан хабардор, ҳалол, таваккулчи (таваккул билан таваккалнинг фарқи бор. Таваккул ишларнинг сабабини қилиб, натижасини **АЛЛОҲ** Таъолонинг ҳукмига

топшириш, таваккал эса гард камига ўйнайдиганларнинг иши) бўлайлик. Чунки Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМнинг тавсияларига амал қилиб, саҳобалар Р.з, улуғларимиз кўрсатмаларига риоя қилган ота-боболаримизнинг бирор иши ҳали касодга учраганини кўрмадик...

Йиғилганлар Абдуллоҳни шундай қизиқиш ва мароқ билан тинглардики, баъзилар пичирлаб “кошкийди шу суҳбат тугамаса”, дейишарди. Мен эса у айтганларининг амалий ифодасини кўриб келаётган ҳаётимизни ўйладим...

МЕҲМОНСИЗ ТАОМ ЕМАСДИ

Катта ҳовлининг кириш томонида алоҳида бир хона бор. Кенг ва шинам. Яхши гилам ва кўрпачалар солиниб, кираверишига обдасталар териб кўйилган. Ёнида алоҳида хожатхона ва таҳоратхонаси бор. Бутун ҳовлига райҳон экилган бўлса-да, ушбу хона олдида кўпроқ бўй чўзган бўлиб, муаттар хиди димокқа урилади. Тоза сочиқлар осилган илгакнинг олдида хушбўй мушку анбарлар туради. Ушбу хонанинг бундай эътиборга лойиқлиги сабаби

унинг меҳмонхоналиги эди. Бугунги кунда бутун Ислом дунёсида мана шундай алоҳида меҳмонхоналарнинг тобора кўпайиб кетаётганлиги ҳам барака омилларидан ўзи. Таърифлаганимиз уйни Абдуллоҳнинг хонадонига келганлар билади. Чунки у ерга меҳмондан бўлак ҳеч ким кирмасди.

Меҳмонхонада китоб ўқиш учун лавҳлар кўйилган бўлиб, кирган одамнинг даъфатан эътиборини тортарди. Айтилмасдан илмга тарғиб, сўзланмасдан ўқишга муҳаббат бор эди бунда.

Ҳадиси шарифда: *“Меҳмон учун бир дирҳам харажат қилган, АЛЛОҲ субҳанаҳу ва Таъоло йўлида минг дирҳам эҳсон қилганнинг савобини топади. Кимки меҳмонни яхши кўриб, эъзозласа, АЛЛОҲ субҳанаҳу ва Таъоло Жаннат эшигини унинг юзига очиб қўяди”*, дейилгани учун ҳам Абдуллоҳ меҳмонни алоҳида яхши кўрарди. Шу сабабдан меҳмоннавозликда ҳам кўпчиликдан бир қадам олдинда эди.

Бир кунда икки маҳалдан ортик таомланмас, Зуҳо намозидан кейин ва Асрдан олдин ё кейин, аммо Шомдан кейин (Рамазони

шарифдан бошқа ойларда ва нафл рўзалардан ташқари вақтларни истисно қилганда) овқатланмасди.

Айниқса, меҳмонсиз таом емас, агар мусофир келмаса, икки кунлаб овқатланмас, ҳатто ундан ҳам чўзилиб кетарди. Бизга айтарди:

– Меҳмон билан ейилган таомдан охиратда сўралмас экан. Шунинг учун меҳмонни яхши кўраман. Устозимиз Имоми Аъзам Р.з хазратимиз меҳмоннавозлик Иброҳим Алайҳиссаломнинг суннати дерди. У киши Алайҳиссаломнинг яна бир исмлари Абузайф, яъни меҳмоннинг отаси деган маънода экан.

Ривоят қилишларича, Иброҳим Алайҳиссалом ҳам меҳмонсиз таом емас, агар мусофир келмаса, бир неча чақирим атрофни айланиб изларкан.

Абдуллоҳ то кексайгунча ҳам меҳмонларга қўлидан келгунча хизмат қилди. Умрининг сўнги вақтларида ҳам меҳмондўстлигини тарк этмади. У ўзи чақирган меҳмонни хурматлар, аммо чақирилмасдан келган мусофирни АЛЛОҲимнинг меҳмони дея алоҳида

эъозларди. Чунки Мусо Алайҳиссаломга АЛЛОҲ Таъоло меҳмонни яхши кўриш, айниқса, кутилмаганда келган меҳмонни эъозлашни буюрган экан.

Замонамизнинг буюклари Суфёни Саврий, Фузайл ибн Иёз, Имоми Молик Р.з кабилар *“Абдуллоҳ ибн Муборакка бу дунёда ўхшаши ҳам, тенги ҳам йўқ”*, деганларининг исботини ҳар ишларида кўраман. Дўстим, АЛЛОҲим сенга не буюк қалб, жўмардлик берган, кошкийди сенинг дўстлигингга муносиб бўлсам.

ИНСОННИНГ ҚАЕРДАН КЕЛГАНИ ЭМАС, ҚАЕРГА ҚАРАБ БОРАЁТГАНИ МУҲИМ

Абдуллоҳ *“Амир ал-мўминийн”* Умар Р.з ҳазратимизнинг *“Ўтмиши қора бўлган шундай инсонлар борки, ўзлари учун яхшиликларга тўла буюк келажак қурган”*, деган маъноли сўзларини яхши кўрарди. Инсоннинг бугун қайси томонга қараб йўналгани муҳимлигини таъкидларди. Шунинг учун ҳам доим инсонларнинг яхши томонга ўзгаришидан умидланар, хулқи ёмон кимсалар учраб қолса,

насиҳат қилар, уларга эзгу фазилатлари билан ўрнак бўларди. Ҳузурига маслаҳат истаб келганларга вақт ажратар, уларга ёрдам берарди.

**Абдуллоҳ гапирмоқчи бўлса,
тингловчининг диққати жамланганига
ишонч ҳосил қилганида сўзларди.**

Ўтмиши қирли инсонлар, хатолари сабабидан олға интилишга кўрқиб қолган, йўқотишлари боисидан нима қиларини билмай турган, “Ўтмишим шу бўлса, келажагим нима бўларди?”, каби ўйларига кўмилган, ўрганиб қолган одатлари туфайли омади чопмасдан кўп нарсадан кўнгли совиган, азбаройи ҳафсаласи йўқолганидан кўлни ювиб, кўлтиққа урганларга оддий, аммо таъсирли тавсия берарди:

– Инсонга бало ўз нафсидан келади. Ўз ишларида ўзгаларни айблаш ёки хатони ўзидан изламаслик айни нодонликдир. Устоз тутмай ўзбилармонлик қилиши яъни илмсизлиги – тўғри яшолмаслигига, ота-онага итоатсизлиги – бадбахтлига, ибодат ва меҳнатда камҳаракатлиги – йўқотишларга, тажрибасизлиги – қоқилишига, беодоблиги –

солихларга яқинлашолмаслигига, хасадгўйлиги – ўзини еб битиришига, кўп ейиши – хасталикларига сабаб бўлади. Аммо умидсизликка тушмаслик лозим, чунки умидсизлик шайтондандир. АЛЛОҲим меҳрибон, ўтмишни ўзгартириб бўлмайди, аммо бугун яхши ниятлар қилиб, яхшиларга дўст бўлиб, хайрли ишлар томон бир қадам ташласа, келажаги гўзаллашади. **Инсоннинг қаердан келгани эмас, қаерга қараб кетаётгани муҳим.**

Унинг ибратларга тўла ҳаёти ва шу каби маъноли сўзлари неча тақдирларга таъсир қилар, қанча тушкун инсонларнинг қадини ростларди.

У билан сўзлашган кишилар, аввало, ўзини ислоҳ қилишга, айбларига боқиб, хатоларини тўғрилашга киришар, оқибат гўзал ҳаёт томон дадил одимларди.

– Агар авлодларимиз ҳам бошларига тушадиган кўргиликлар ўз нафсларидан бўлишини теран англасалар, ўзларини ислоҳ қилиб, хатоларига бир қур назар ташлаб турсалар, доимо олдинда бўлади, – давом этарди у. – Бутун умр ўзгаларни айблаб ёки нолиб яшамайди.

Мусулмонлар ибодат ва меҳнатда доимийлик, тинимсиз илм излаш, кечаги кунидан бугуни, бугунидан эртаси илм ва тажрибаларга тўлароқ бўлишига интилиш орқали бошқа дин вакилларига ҳам ўрнак бўлиши лозим. Айни яшаб турганимиз замон — бутун дунё хавас билан боқадиган, илм, тижорат учун биз томонларга ўзгаларни етаклайдиган замон.

Абдуллоҳ мана шундай ҳаммага эртасидан чиройли умид билан яшашни ўргатар, нақл қилинган Ҳадиси шарифда келганидек “Умид билан яшаш ҳам ибодат”, эканини англатарди.

У инсонларни илмга, суннати санияга ундар, ўз бошига қарор чиқариб, ўзича яшашдан қайтарар, чала илм ёки у ер-бу ердан эшитган сўзларига эмас, эътиқоди бутун, солиҳ ва олим устозларга эргашиш лозимлигини тушунтирарди.

Бир куни хулқи бузуқ одам келди ва маслаҳат сўради.

— Ҳазрат, менга ният, мақсад, орзу кабиларни тушунтирсангиз. Мен бу борада чалкаш вазиятдаман. Қилган ёмонликларимни

тақдиримдан дейман-да, эртани ўйласам яна кўрқиб кетаман. Бутун умримни ёмон одатларимдан ҳосил бўлган хатти-ҳаракатлар билан ўтказаманми? Ўзи мен кабиларнинг ҳам ҳаёти ўзгарадими?

Абдуллоҳнинг жавоби ҳикматларга тўла эди.

– Азаматим, АЛЛОҲим меҳрибон, тавба эшикларини очиб қўйган, – деб бошлади сўзини у. – Агар сен каби хатоларини англаган ёки англамай бир тарбиячига муҳтож кишиларнинг ёмонликлар ичра ўтиб кетишлари керак бўлганида Роббим минглаб Пайғамбар Алайҳиссаломларни ва оламларга раҳмат бўлган суюкли, бизга ота-онамиздан ҳам меҳрибонроқ Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМни юбормаган ва муқаддас Китобларни нозил қилмаган бўларди. Сиқилма. Ҳазратимиз Абу Бакр Сиддиқ Р.з ҳар доим АЛЛОҲимга “Соғлом ният бер”, деган маънода дуо қилиб илтижо этаркан. Аввало, ниятингни тўғрила. Ниятларинг Яратган Эгамнинг розилигига эришиш, дининг ва дунёингга ҳам манфаатли бўлсин. Ҳаммага айна дамда ўзингга ҳам фойда келтирсин. Яхши ният

агар унга етолмасанг ҳам сенга савоб олиб келади. Агар унга эришсанг, ўн баравардан то санокдан ташқари даражада савобларга етасан. Ниятларингни мақсадга айлантирасан ва ҳар куни оз-оздан ҳаракат қиласан. Аммо куруқ орзу сенга фойда келтирмаслигидан ташқари вақтнингни исроф қилганинг учун гуноҳкор ҳам бўласан. Ҳазратимиз Абу Бакр Сиддиқ Р.з. нинг шундай сўзлари бор: **“Бойликни узун орзу билан, соғлиқни дори-дармон билан, ёшликни пардоз-андоз билан топиб бўлмайди”**.

АЛЛОҲимдан сен ҳам буюкларимизга тақлид қилиб, уларга эргашиб, соғлом ниятлар сўра. Уларнинг изидан юр. Улардек бўлмасанг ҳам, ҳаётда бахтли яшайсан. Эслаб қол: **бахтли бўлишинг – гўзал ниятларинг натижасидир**.

Келувчининг кўнгли кўтарилиб, ишларига тавба қилди ва ниятларини тезда янгилади. Унингдек айбларига тезда иқрор бўлиб, ўзини тузатувчилар тезда ҳаёти ўнгланиб, гўзал умр кечири бошлайди.

Абдуллоҳ ҳар лаҳзада устоз кўрганлигини намоён қилар, тартибли илм олгани билиниб турарди. Худога шукур АЛЛОҲим бизларга

Имоми Аъзам Р.з ҳазратларидек буюк устозни берган. У киши Р.з умматнинг чироғидир. Қиёматгача илм талаб қиладиган ва бирор натижага эришган борки, у кишдан адоқсиз қарздордир. Ҳаққи эса ҳар намозда у киши Р.знинг ҳақларига хайрли дуодир.

Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг умидсизликка тушиши асло яхши эмас, чунки буюк АЛЛОҲ Таъоло бор, дунёнинг ғами Роббимизнинг қудрати олдида ҳеч нарсадир.

Абдуллоҳ қарор қабул қилолмасдан тараддудланганларни мана шундай тарбияларди. Дарди гарданига оғирлик қилаётганларга айни шундай умид уйғотарди. Унинг ҳузуридан чиққанлар ҳақиқатда инсоннинг қеардан келгани эмас, қаерга қараб бораётгани муҳимлигини англаб кетарди.

НОНИНГИЗ ЯРИМТА БЎЛАДИ

Бағдоддаги дўконимиз одмигина, аммо ёруғ ва шинам. Уни кенгайтиришга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаганди. Боиси қарвонимиз

келганданоқ асосий маҳсулотларимиз сотилиб кетарди. Кирганданоқ ўнгда лавх, жойнамозлар осифлик. Таҳорат учун обдаста ва тоғора. Келувчилар учун суҳбатга мўлжалланган жойда битта гилам тўшалган. Харидор ва бошқа масалада қадам ранжида қилганлар шу ерда ўтиради. Ҳисобчи бошқа кичик хонада. Камина эса дўстимнинг ёнидаман.

Одатдагидек дўконда машғул вақтимиз бошқа дин вакилларида бири келди. Жаҳли чиққани ва бир масала юзасидан қаттиқ таъсирлангани юзидан кўриниб турарди. Бироз суҳбатлашгач, ранги ўзгариб гапира бошлади.

– Сиз тижоратни, мамлакатга мол олиб кириш, бошқа давлатларга маҳсулот сотиш илмини ғайратли инсонларга ўргатяпсиз. Ҳали ўзингиз ҳам ёшсиз. Доимий фойда келиб турадиган савдога эҳтиёжингиз бор. Бунақада нонингиз яримта бўлади. Аниқроғи бизнинг ҳам ишларимизга ёмон таъсир қилади. Тажрибаларингизни бошқалар билан бўлишишни тўхтатинг. Мен ўзим номимдан эмас кўпчиликнинг талаби билан келдим, – деди Абдуллоҳнинг ҳайбатидан овози қалтираб.

Дўстим унга диққат билан назар ташлади-да, келажак авлод учун ҳам дарс, ибрат бўладиган сўзларни айтди:

– Сизни яхши тушундим. Энди бизни эшитинг. **Илмнинг аввали ният, сўнгра англамоқ, кейин амал қилмоқ, кейин муҳофаза этмоқ ва охири уни ёймоқдир.** Биз бу тижорат илмини ўзимиз билан қабрга олиб кетамиз, деб ўрганмаганмиз. Карвон кўп, аммо ҳар бирининг ризки бўлак. Биз ризкни бандаси кесиб қўйишига ишонмаймиз. Мана сиз билан бир хонада ўтирибмиз, сиз олаётган нафасни биз олиб қўймаймиз-ку. Кўчада шунча одам юрибди, қайси бири “менинг нафасимни сен олиб қўймоқдасан,” дея жанжаллашмоқда? **Инсонга ақл фақат ўзини ўйлаш учун берилмаган.** Биз, мусулмонлар ўзгаларни ҳам ўйлаймиз. Мана Бағдоддай жойда мусулмонлар диёрида яшаяпсиз. Бойсиз. Ҳеч ким мулкингизга чанг солмаяпти. Фарзандларингизни қолдириб, олис юртларга тижорат учун сафарлар қиляпсиз. Хотиржамсиз. Энди ўйланг, мусулмонлар бойиса, сизларга ҳам ёрдам қилади. Ўтирозингизнинг ўринли эмаслигини тушунишингиз учун **яна бир қайта яшашингиз шарт эмас.**

– Тўғри айтдингиз. Аммо мен вакилман. Шу ерга мени жўнатганларга шундай тушунтирсам, англамасликлари мумкин.

– Сиз кетаверинг, уларга ўзимиз тушунтирамиз.

Абдуллоҳ газлама сотадиган тожирларга шундай йўл тутдики, бир муддат савдо тўхтади. Зарурат бор, қиммат бўлса ҳам олишга тайёр инсонлар кўпайган. Бошқа дин вакиллари ҳам шошиб қолганди. Бу кетишда улар ҳам қийналарди. Шу боисдан келишув учун яна олдимизга келишди.

Орадан бир муддат ўтиб газлама савдоси бошланди. Нархлар ўзгармади. Қимматлашидан кўрққан одамлар учун зўр бир енгиллик бўлди. Ҳалиги одам яна олдимизга келди.

– Мусулмонлар вазиятдан фойдаланиб роса бойиб кетса керак деб ўйлагандим. Англадимки, сизлар ҳақиқатда ҳаммани ўйлайдиган, бировнинг зарар кўришини истамайдиган инсонлар экансиз. Сизлардек бахтли бўлишни истайман. Сизлардек бошқалар севинчи ўзимнинг хурсандчилигим бўлишини хоҳлайман. Кошки сизлар билан илгарироқ танишсайдим...

Абдуллоҳ унинг елкасига қоқиб, табассум қилди ва каминани ҳам ҳаїратда қолдирадиган гапни айтди:

– Диндош дўстимнинг бир эҳтиёжини кўриб, унга ёрдам бермоғим, бир йил нафл ибодат қилганимдан яхшироқдир. **Илм – мўминнинг йўқотган нарсаси, уни қаерда топса, олиб кетаверади.** Биз мусулмонларга шу йўқотганини топиб беряпмиз, холос.

Биз бир чеккада ўтириб, ўзгаларга аралашмасдан, бировларга ёрдам қилмасдан яшаб ўтиб кетолмаймиз. Катта ниятларимиз бор. Соғлом нияти бор одам инсониятга яхшилик истайди. **Неча кичик ишлар бор – ниятнинг тузуклигидан катталашади, неча катта ишлар бор – ниятнинг бузуқлигидан кичрайиб, йўқ бўлиб кетади.**

Келган одам кетди. Ортига боқ-боқа узоқлашди. Исломга, мусулмонларга муҳаббат олиб кетди ўзи билан...

БИР ЧИМДИМ ЎТГА ОТИНИ БЕРИБ КЕТДИ

Газлама воқеасидан кейин Марвга қараб йўл олдик. Анчадан бери у томонларга бормагандик.

Марв – гўзал гўшалардан. Одамлари ихлосли, илмга чанкок. Ҳалитдан илмда донғи таралаётган буюклар чиқяпти у ердан. Тупроғи унумдор, боғлари серҳосил. Ҳавоси тоза, тўрт фасл ҳам намоён бўладиган маконлардан.

Оти йўлга ярамай қолгани сабаб Абдуллоҳ бозордан қиммат баҳога битта тулпор олди. Йўлга тушдик. Сафар асносида дам олиш вақтлари ҳар доимгидек менга гўзал қиссалардан айтиб берарди. Уловга жабр бўлмасин деб, орада пиёда ҳам юрардик. Бу гал ҳам гўзал қисса сўзлади.

– Абдуссалом сафарда яхши ҳамроҳинг бўлиши, йўл машаққатидан ҳалос бўлдинг дегани. Бу ҳақда бир қисса ҳам бор: зарур иш билан бир йигит қишлоқдан олис шаҳарга йўлга отланибди. Бироз юргач, олдидан кекса, аммо қадди тик, шижоатли инсон чиқибди. У ҳам қаергадир дадил қадам ташлаб кетиб бораркан.

Салом берибди. У киши эса алик олибди. Борар манзили битталигини билгач, севиниб йигитга шундай дебди.

– Ўғлим, сени учратганимга Худога шукур. Энди бир-биримизни кўтариб, манзилга тезда етиб оламиз.

Йигит ўйга толибди. Чолни кўтариши мумкин, аммо кекса киши уни қандай кўтарсин. Шу тариқа улар бирга намозлар ўқибди, гўзал суҳбатлар курибди, бирга таомланибди. Ўзаро ёрдамлашиб, йўл машаққатини енгибди. Тезда шаҳарга етиб олишибди. Хайрлашаркан, кекса киши йигитга қараб:

– Ўғлим, бир-биримизни кўтариб борарканмизда, деганимда ўйланиб қолгандинг. Сафарга чиқдик. Сени бошлиқ тайинладик. Таҳорат сувлар тайёрладинг, жойнамозларни олиб юрдинг, таомлар пиширдинг. Мен бўлсам, ҳаёт тажрибаларимни бўлишдим. Шу тариқа мана манзилдамиз. Айтган гапимнинг маъноси бу эди. Отанга минг раҳмат, тарбия кўрган одам экансан. Сен туфайли машаққат сезмадим, – дебди.

Қиссани эшитарканман, Абдуллоҳнинг

сафардаги ҳамроҳлиги ҳақида ўйлардим. У бировга юкини ташламас. Ҳамсафарларининг йўлдаги эҳтиёжларини қоплар. Оти хаста бўлса, бошқа от олиб берар, соғлиги ёмонлашса, табиб чақирар, хуллас, харажатли ишлардан тортиб кўриқчиликкача зиммасига оларди. Инсонлар бутун умрининг Абдуллоҳнинг бир кунидек бўлишини, унингдек яшашни истарди.

Хаёлга берилиб, Абдуллоҳнинг нафл намоз ўқиётганини сезмай қолибман. Қарасам, оти кўринмайди. Боғламасдан ибодат бошлаган экан. Изладим. Тополмай, хунобим ошди. Зийраклик қилмаганимдан, яхши ҳамроҳ эмаслигимдан ўзимни койирдим. Отни бир бедазордан тутдим. Пайҳон қилиб, ўтлаб юрган экан. Эгасини топиб, розилик сўраб турганимда Абдуллоҳ келди. Вазиятни англагач, узр сўраб, отни ўтлоқнинг эгасига бериб кетди.

Бу ишдан кейин ўзимни минг койидим. Абдуллоҳ бир муддат пиёда юрди. Мени отдан туширмагани баттар хижолатимга сабаб бўлди. Ўлганим яхши эди, деб ўйладим ўзимга-ўзим. Яхшики олдимиздан бозор чиқиб қолди. Битта от сотиб олиб, йўлимизда давом этдик. Узун сукутдан кейин у гап бошлади.

– Шубҳали бир ақчани қайтиб бермоғим, мингларча танга садақа қилмоғимдан афзалдир. Отим унинг ҳам ўтини еди, ҳам поймол қилди. Дили оғриди. Бадалига уловимни бердим. Худога шукур, устозларимиз бизларни шундай тарбия қилди. Келажак авлодимиз ҳам ўзгаларнинг ҳақидан кўрқадиган, ҳақ эгасини рози қиладиган, ўзиники бўлмаган нарсаларга кўз олайтирмайдиган, эгаси кўрмади-ку, деб бировнинг мулкига (ерига, уловига, бирор асбоб-анжомига) зарар берган бўлса ҳам қочиб кетмайдиган бўлсин. Акс ҳолда жамият таназулга учраб, не ширкатлар ёпилиб, не тижоратлар касодга учрайди. Қанча қариндошлик, дўстлик алоқалари узилиб, ижтимоий муносабатларга дарз кетади. Сен ўзингни айблама. Ҳамма нарсада ҳикмат бор, ҳар ишда хайр бор.

Сафар ҳам машаққат, ҳам саргузашт дегани. Кўзларимгача чанг тўлган бўлса ҳам, йўл қийинчиликлари обдон чарчатса ҳам, бўлган воқеа ва эшитганларим ҳамда унинг сўзларидан кўнглим ёришди. Хурсандлигимдан Марвга борганимда муҳтож кишиларга хадялар беришга аҳд қилдим.

МАРВДА ИЛМ МАРКАЗЛАРИ

Марвга етиб олгач, бироз дам олдик. Ота Ватан тупроқлари болалигимизни, ҳам илм олиб, ҳам жанг санъати билан шуғулланган фарахли дамларимизни ёдга солди. Қиличбозликда маълум даражага чиқиб, тенги йўқ жангчи бўлган Абдуллохнинг отасидан олган мукофотларини бўлишганларимизни эсладим. Дўстим азалдан жўмард эди.

Ярим кун ҳам ҳордик чиқармасдан, бозорга тушиб, тижорат ишларига киришдик. Ҳар сафар келсак, бир ўзгаришга гувоҳ бўлардик. Бу сафар бозорда ёш ўғлонлар кўпайибди. Баъзилари отасининг ишини давом эттириш учун бел боғлаган бўлса, баъзилари янги шогирд тушганлар эди. Мамлакат ривожини учун тамал тоши қўядиган тожирларнинг илк қадамларидан севиндик. Улар сабаб энг камида оилалари таъминланади. Катта савдогарлари эса олимлар ва илм аҳлларига ҳомий бўлади.

Пешин намозига чиққанимизда яна бир янги мадраса очилгани ҳақида эшитдик. Бу хабар бизни янада севинтирди. Қизиқиб бордик.

Кузатдик. Худди Бағдоддагидек тартиб шаклланибди.

Тажвид, Тафсир, Ҳадиси шарифлар ёдлаш, тил ўрганиш ва бошқа илмларни олиш анча осонлаштирилган. Ҳатто талабаларнинг қулайлик ҳудудида қолиб кетмаслиги таъминланган. Ётишга эмас, фақат ўтириб дарс қилишга мўлжалланган кичик хоналарда бир талабанинг ҳафтадан ортиқ қолиши мумкин эмас экан. Тезда хонасини алмаштиришаркан.

Қуръони Каримни ва Ҳадиси шарифларни ёдлатишга кучли эътибор берилган. Тил ўргатишга шундай ёндашилганки, толиблар энг қисқа замонда араб ва бошқа тилларда сўзлашишни ўрганиб олиши мумкин.

Бизга шу тил сабоқлари ҳам ёқиб қолди. Устозлар талабаларга, аввало, тўғри ўқишни ўргатиб, кейин қўлларига ўша тилдаги китобларни бериб, ўз хоналарида намоздан бўшаган вақтларида тинмай овоз чиқариб ўқишни буюраркан. Натижада боланинг нутқи ва эшитиши ўша тилга мослашаркан.

Кейин илм марказида форсча, туркча гаплашиш талабалар учун тақиқланган, қоидани

бузган бир хафта ҳожатхона тозалаш, кам ухлаб, таҳоратга сув тайёрлаш, таом пишириш, кир ювишга масъул қилинарсан. Натижада бола араб тилини ўзлаштиришга интиларсан.

Муҳит ҳам шунга мослашган. Ўқитувчилар ҳам дарс вақтида чет тилида гапиради. МашаАЛЛОҲ. Бу ишларда не буюк фойдалар бор. Биринчидан, ортиқча гапдан қутулиш, беҳуда лақиллаш ўрнига илмга ғайрат қилиш ва тезда натижага эришиш, иккинчидан, вақт уволнинг олдини олиш бор бу услубда.

Биз Византия тарафларда бўлганимизда талабаларнинг суҳбатлашиб, тил ўрганишини, жонли мулоқот асносида кўп вақтларини исроф қилишини билганмиз. Аммо бунга анча вақт кетиб, умр увол бўларди. Биздаги услубда эса шунчаки гаплашиб ўтиргандан кўра амалий натижага эришиш бор.

Сўзлар қулоққа яхши ўрнашиб, талаффуз равон бўлгач, луғатга ва сўзлашувга эътибор бошланади. Натижада араб тилидаги сўзларни яхши тушунади, маъносини англайди. Билмасдан гапириб, динда хатога йўл қўймайди.

Энг кўп бўш вақт талабада, ўқувчида

бўлади ўзи. Фақат тўғри вақтда, тўғри услубда дарс ўтилса, қисқа вақт ичида илмни пухта эгаллаш мумкин. Бир-икки ойда бирор чет тилида бемалол сўзлашиш, олти ойда ўша тилда фикрлаб, ёзиш мумкин. Шунда беш-олти йил талаба бўлган одам камида бешта тилни пухта эгаллайди, ўз касбининг устаси бўлади.

Айниқса, ёш болаларга эътиборни ота-оналар кучайтиришлари керак. Акс ҳолда, илм олиш учун энг гўзал вақтни қўлдан бой беришади.

Ёш бола йигитлик даврига қадар Қорий, бир неча тилда эркин сўзлашадиган, нечтадир хунарни пухта эгаллаган бўлиши керак. Шунда жамият юксалиб, мамлакат тараққий топади.

Айни дамда ота-оналар шунинг ҳаракатида. Келажак авлод ҳам тарихни яхши ўрганиб, илмда ғайратли бўлса, бутун бошли давлат ёшлари айни болалик ва ёшлик даврини шунчаки елга учирмайди. Ўн саккиз ёшли навқирон йигит ҳам оила боқа оладиган, ҳам мамлакатга нафи тегадиган инсон бўлади.

Жуда завқли жараёнларни кўриш асносида, устозлар Абдуллоҳдан талабалар учун бир

маъруза қилиб беришни сўради. У рози бўлди. Ҳамма тўплангач, сўз бошлади.

– Сизларни кўриб, болалигим, ёшлигим эсимга тушди. Қуръони Каримни ёдлаб бўлгач, араб тилини жуда тез ўзлаштириб, отамдан совға олгандим. Бугун сизларга қараб, илмга қалблари очик, ғайратли, шижоатли эканингиздан, вақтларингизни тўғри ишларга сарфлаётганингиздан севиняпман.

Азаматларим, илмни бировга яхши кўриниш, кимдандир таъма учун ўрганманг. Аксинча, холис АЛЛОҲим учун ўрганинг. Шунда ризқни кутмаган жойларингиздан АЛЛОҲ Таъоло етказди.

Илмни чала қилиб, бошқа ишга ўтиб кетманг. Чунки жамиятда илмни охирига етказмаган ўртача инсонлар кўп. Сизлар яхшиси, гўзал англагани ва кучлиси бўлинг. Шунда очилажак имкон эшиклари сизларни узоқ кутгирмайди.

Устозларингиз, ота-онангизга сидқидилдан хизмат қилинг. Уларнинг дуоларини олинг.

Ота-она танингизни тарбияласа, устозларингиз руҳингизни камолга етказди. Шунинг учун халқимизда “Устоз отангдан улуғ”, деган гап бор. Тана руҳнинг оти, руҳ эса чавандоздир.

Қўрқаманки, келажакда устозларга лозим даражада ҳурмат кўрсатилмай, ота-оналар иззат қилинмай, номусулмонларнинг тазйиқлари остида эзилмасин авлодлар.

Сизлар бугун ғайрат қилиб, ўрганганларингизга амалда собитқадам бўлсангиз, тарбияли бўлиб, яхши одобни авлодларингизга мерос қолдирсангиз, ишонаманки, мингларча йил мусулмонлар обод мамлакатлар қуради ва фаровон яшайди.

Илмда орқада қолманг. **Ўрганаётган илмингизни охирига етказинг.** Шунда олим бўласиз.

Боғбонмисиз, ҳар фаслда шунга яраша иш билан машғул бўлинг. Тўхтаманг. Қаттиқ совуқ вақтларда боғда азон айтилса, меваларга зарар етмаслиги исботланган. Барака учун боғингиз ичида азон айтинг. Намозлар ўқинг.

Деҳқонмисиз, тупроқ илмини ўрганинг. “Олим бўлсанг, такрор қил, деҳқон бўлсанг, шудгор қил”, деган гап бор. Ернинг ҳолатини билаб, шунга мос ёндашинг. Ўтган йилгидан бу йил, бу йилгидан келаси йил: ҳосилингиз кўпоқ бўлишига, ҳам ўзингизга, ҳам ўзгаларга фойда келтиришга ғайрат қилинг.

Таржимонмисиз, араб, форс, турк тилларини пухта ўрганинг. Илмий услублар, атамалар, тижорий масалалар ва бозорни тушунинг. Акс ҳолда сўзловчининг мақсадини суҳбатдошига етказа олмайсиз. Натижада илм истаган чала илмли бўлади, тижорий музокарадагилар келишувга эришолмайди. Эшитганмизки, баъзи таржимонлар ишини яхши уддалолмаганидан уларга иши тушганлар ўзлари тил ўрганишга киришибди. Айниқса, давлат аҳамиятига эга масалаларда таржимон янада диққатли бўлиши, сиёсатни тушуниши керак, шунда икки давлат орасида илиқ муносабат шаклланади ва осойишта муҳитдан халқ манфаат кўради.

Қайси бирингиз олим, қайси бирингиз тожир, ким амалдору, ким тилмоч бўлишини билмаймиз, аммо умидимиз ҳар бирингиз

биздан кейингиларнинг ҳаётларини
енгиллатадиган ўз касбининг устаси, етук
мутахассис бўлишингиздир.

Минглаб толиби илм етиштирадиган
олимлар, адолатли амалдор, мақтагулик тилмоч,
қахрамонликлари асарларда битиладиган зўр
жангчи бўлишларингизни истаймиз.
Сўзларимни ёдда тутинг.

Ҳа, дарвоқе бир муддат Марвдамиз.
Кимнинг бирор саволи ёки муаммоси бўлса,
эшигимиз очиқ.

АЛЛОҲим хайрли ҳаракатларингизга
беҳисоб баракалар берсин.

У ердан чиқаётганимизда юзлаб
ўғлонларнинг кўзларида эндигина қилинган
соғлом ниятлари ва шунга мос ҳаракат қилмоқ
учун шижоатлари ёниб турарди. Қалбимизда
ажиб бир севинч туйиб, дўконга боргандан
кейин ҳам илм даргоҳларининг ривожига ҳақида
субатлашдик.

Бу орада этиёжманд талабалар, уларнинг
ота-оналари, ўқитувчи, устозларнинг
ҳожатларини чиқардик. Абдуллоҳ улар бошқа

ишларга чалғимасин деб сўраганларидан ортиғини улашди. Муҳтожлигини сездирмайдиган устозлар ва талабаларга ҳам неча минг тангаларни ҳисобчидан бериб юборди.

Бағдодга қайтар вақтимиз келиб, йўлга тушдик. Савдо карвонимиз доимгидек биздан олдин отланган. Кенгликларнинг уфққа туташган йўлларида кетар эканмиз, худди кушдек парвоз қилаётгандек эдик. Йўлда яна қандай хайрли ишлар ва солиҳ инсонлар учраркин? Бу галги таассуротларимизни не гўзал жумлалар билан қоғозга туширарканмиз?! АЛЛОҲимнинг марҳамати билан икки кунимиз ҳеч бир хил ўтмаяпти. Ё илм оламиз, ё дарс ўтамиз, ё тижорат қиламиз, ё эҳсон ва ҳадялар берамиз. Шу тақлид от елдириб, бир кўзлаган манзилимиз сари давом этдик.

АЛЛОҲ ТАЪОЛОНИ БИЛАСАНМИ?

Тоғ оралаб, бир адирликка чиққанимизда, совуқ ва ёқимли ҳаво эпкени ўпкаларимизни тўлдирди. Чуқур нафас олиб, атрофга боқдик. Баланд ва ҳайбатли бу ёнбағирларда кўп қўйлар

ўтлаб юрар, уларнинг чўпони эса кўзимиз ўрганган катта ёшли киши эмас, ёшгина ўғлон эди.

– Бу ёшидан кўй боқиб юрса, улғайганида АЛЛОҲимни қандай таниб, муносиб ибодат қилади. Юр, у билан бироз суҳбатлашамиз, – деди Абдуллоҳ отини болакай томон буриб. Салом-алиқдан сўнг қуйидаги гўзал савол-жавоб бошланди.

– Ўғлим, АЛЛОҲ Таъолони танийсанми?

– Бир қул ўз Эгасини қандай билмасин?

– АЛЛОҲ Таъолони қандай танийсан?!

– Бу кўйларимдан биламан.

– Бу кўйларинг билан Уни қандай биласан?

– Кўриб турганингиз бунча кўй чўпонсиз юролмайди. Улар сувлатиб, ўтлатадиган, бўридан ва бошқа хавфлардан кўрийдиган кишига эҳтиёжли. Англадимки, инсонлар, жин, хайвон ва жониворлар, коинот ҳимояга, ёрдамга мухтож. Бунингдек мингларча жонлига ризқ бериш, уларни кўримокқа фақат АЛЛОҲим қодирдир.

– АЛЛОҲ Таъолони қандай биласан?

– Ўхшаши йўқ деб биламан.

– Бундайлигини қандай англадинг?

– Яна шу кўйларимдан билдим.

– Қандай?

– Мен чўпонман. Уларни боқиб юраман. Улар менинг назоратимда. Уларга диққат билан боқаман. На мен уларга ўхшайман, на улар менга ўхшайди. Бу ерда бир чўпон ўз кўйларига ўхшамаса, АЛЛОҲим қандай қилиб инсонларга ўхшасин, улардек сифатлансин?!

– Гўзал жавоблар бердинг. Илмда бирор нарса ўргандингми?

– Мен бу далаларда қандай қилиб илм олайин?

– Шу чўпонлигингда яна нимани ўргандинг унда?

– Уч нарсани ўргандим. Кўнгил, тил ва бадан иши. АЛЛОҲим менга қалб берди, шу билан Уни танидим, Уни севганларни севиб, севаганларни ўзимга яқинлаштирмадим. Тилни зикр қилиш учун берди. У билан АЛЛОҲимнинг исмини айтиб юраман. Бошқа сўзларни кўп сўзлашдан қочаман. Ўзимга хизмат учун бадан берди. Унинг яхши хизмат қилиши учун соғломлигига ҳаракат қиламан, ҳар турли зарарли таомлар емайман. Ўзимни эҳтиёт қиламан.

Унинг жавобларидан завқланган Абдуллоҳ:

– Ўғлоним, сен аввалгию охиргиларнинг илмини жамлабсан. Қани, азаматим, бизга бирор маслаҳат бероласанми, – деди боланинг бошини силаб.

У бўлса, табассум қилиб шундай деди.

– Динда етишган олимлигингиз юзингиздан сезилиб турибди. Бобом менга “Улуғларни кўрсанг, албатта, дуосини олгин”, дерди. Менинг ҳақимга дуо қилинг.

Абдуллоҳ унинг ҳақиға дуолар қилди. Олтин тангалар берганди олмади. Ёш бўлса ҳам ҳамиятли ва мард бола экан.

Ундан узоқлашарканмиз, Абдуллоҳ:

– Бу бола каби одобли, яхши тарбия кўрган ўғлонларимиз бор экан, мусулмонлар кучсиз бўлиб қолмайди. Кошқийди бугунги эътиқоди бузуқлар шу боладек фикр қилса, – деди отини қамчиларкан.

Болақайнинг сиймоси кўз ўнгимда қолди. Ўзига ишонган, тафаккур қиладиган, ҳамиятли, мард, одобли, эртасидан гўзал умиди бор ўғлон экан. Чўпонлик қилишда, қўйларда ибратлар

бор. Улар сукутни, хотиржамликни ўргатади. Тафаккур қилишга сабаб бўлади. Худо хоҳласа, бу ўғлон ҳам келажакда буюк бўлади. Чунки ундан ҳозирдан улуғликнинг ҳиди келмоқда.

БОТИРЛИК УМРНИ ҚИСҚАРТИРМАЙДИ

Айни иш қизғин вақтда Шом томонда ғайридинлар мусулмонларга азият бериб, ҳатто ўлдирибди, деган хабарни эшитдик. Чегараларда бундай воқеалар ҳафта оралаб бўлиб тургани қулоққа чалинарди.

Тижоратда анча ютуққа эришган, яхшигина жамғармамиз бор эди. Абдуллоҳ эса мени хайратлантириб, ҳатто хавотирлантириб, урушга боришини айтиб қолди.

– Абдуссалом, мусулмонларни ҳимоя қилмасак бўлмайди.

– Тўғри айтасан, аммо биз аскар сафида бўлмасак, ҳатто кўнгилли бўлиб кўшилмаганмиз. Ундан ташқари тижоратимиз нима бўлади, – дедим хавотиримни яширолмай. Унинг жавоби кўнглимни тинчлантирди.

– Келажак авлод бизни кўрқоқликда айбламаслиги ва осойишта яшаши учун бугун тер тўкиш керак.

Шу билан суҳбат якунланиб, йўлга тайёрлана бошладик. Етарлича ўқ ва мустаҳкам камон, яхши ишланган қиличлардан олдик. Қўшинга кўшилиб, ёғий чанг солаётган жойга отландик.

Аввал ҳамма ёқни яхши ўргандик. Абдуллоҳ келган хабарларни таҳлилдан ўтказмасдан, яхшилаб текширмасдан қарор қабул қилмасди. Билдикки, чегара худудида яшаётган бошқа дин вакилларининг бу разолатга алоқаси йўқ. Жиноятчилар аслида бир гуруҳ фитначиларнинг йиққан пулига ёлланган каллакесарлардан иборат тўда экан (Улар мусулмонлар ва бошқа диндагиларни атай уриштириш учун ёлланган экан).

Улар пистирмадан туриб хужум қилар, аскарларнинг намоз ва таҳорат вақтларини аниқлаб, ўша лаҳзаларда ҳаракатга тушар, чегарадан ўтиб яқин қишлоқларда тартибсизлик келтиришга уринаркан.

Биз чегарадаги аскарларнинг ёнига бордик.

Улар билан душманнинг ўрнашган жойларига пистирма қўйишга келишдик. Суҳбат асносида атрофни кузатдик, жангчиларнинг ҳозирлиги, халқнинг хушёрлиги бизни севинтирди.

Пухта режа тузиб, пайт пойладик. Уларни камондан ўққа тутиб, иш битгач, овоза қилмасдан ортга қайтадиган бўлдик. Агар тинчгина иш битса, ваҳима ҳам тарқалмайди, осойишталик ҳам бузилмайди.

Тун яримдан оққанда, айти уйқисираш маҳали улар ҳаракатга тушди. Агар улар ҳалитдан мана шундай ухламасдан бизнинг зараримизга ҳаракат қилса, бизнинг ақлини таниганларимиз доим бедор бўлишлари керак.

Хуллас, биз ҳам дарада фурсат пойладик.

Уларнинг қораси кўриниши билан ўққа тутдик. Абдуллоҳ бирор ўқни зое қилмасди. Ҳар отгани битта фитначини ўлдирарди. Аммо улар биз кутгандан кўпроқ экан. Бўлиниб икки томондан ҳужум қилишни бошладик. Шунда душман томондан тирик қолган юз чоғли одам бир жойга тўпланиб, мустаҳкам кўрғон ташкил қилди. Энди камондан ўқ узиш бефойда эди. Биз найзалардан бир нечта отиб қалқонни бироз

буздик. Кейинги найзани отишга хозирлик кўраётиб Абдуллоҳнинг қиличини қинидан чиқараётганига кўзим тушди. Унга ажабланиб қарагандим, табассум билан шундай деди:

– Абдуссалом ботирлик умрни қисқартирмайди, кўрқоқлик умрни узайтирмайди. Бу гапларни ҳали келажак авлодлар кўп такрорлайди, чунки биздан олдингилар ҳам хўп айтган.

Унинг сўзларини мулоҳаза қилгунимча душман томон отилди. Дайди ўққа нишон бўлиши ёки қоронғуда кўкқисдан қилинган ҳамла қурбонига айланиши мумкин ҳолда, тинчлик учун шердек олдинга отилди. Мен ҳам ортидан югурдим. Қолган жангчилар ҳам югуриб кела бошлади. Уларни қисқа фурсатда қиличдан ўтказдик. Шунда чалажон бириси бизга қараб, шундай деди:

– Мусулмонлар орасида сиздеклари кўп бўлса, улар билан сулҳ тузиб яшаган маъқул экан. Буёқларга бир ховуч тиллага учиб, оиламизни ташлаб келаётганимизда бизни қирилиб кетишимиздан огоҳлантиришганди. Кошки мусулмонларнинг тинчини

бузмаганимизда, кошки сизлар билан уришмаганимизда.... Унинг қолган гаплари мангу ичида қолди.

ИНСОН КУЧЛИ ТОМОНИНИ ЎЗИ ТОПОЛМАЙДИ

Абдуллоҳ ихлос билан таълим олиб, устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратларидек фикҳда етук бўлди. Устозимизни шу қадар яхши кўрар эдики, фикҳда “Ас-сунан фил-фикҳ” номли катта китоб ёзиб, устозимизнинг усулларини, асосларини қўллаб, толиби илмларга тақдим этди. Ушбу асар илм истовчилар учун гўзал дарслик бўлди.

Устозимиздан сал камроқ (Устозимиз Имоми Аъзам Р.з миллиондан кўп Ҳадиси шарифни ёдлаган, аммо ривоят қилмас, кўпроқ масала ечар, фикҳ билан машғул эди. Ҳадиси шарифни ривоят қиладиган ҳар қандай ровийдан яхши билган, шарҳлашда устун бўлиб, маъноларини дақиқ нуқталаригача англади) етти юз мингдан зиёд Ҳадиси шарифни ёд биларди. Доим шундай дерди:

– Инсонга устоз лозим. Мабодо устоз бўлмаса, киши ўзининг нимага қодирлигини, кучли томонларини билолмайди. Бошқа дин вакиллари ва даҳрийлар инсон кучли томонини қидириши керак, дейди, **аммо биз, аввало, ёш болаликдан эътиқоди бутун, илмли ва ихлосли устоз қидириш керак, деймиз.** Акс ҳолда инсоннинг умри увол бўлади. **Бутун умр яшаб эмас, шунчаки мавжуд бўлиб ўтиб кетади.** Мен устозимиз Имоми Аъзам Р.з хазратимизга йўлиққач, ниятларимни янада очиқ қалб билан қиладиган, йўлимни, йўналишимни тўғри белгилаб оладиган бўлдим.

Шу жойда бир воқеани айтиб ўтмасам, айни мавридини ўтказиб юборган бўламан.

Мовароуннаҳр тарафларда бир илм даргоҳига тузук тақволи киши ҳаддан зиёд эрка ва ишга бўйни ёр бермайдиган ўғлини олиб келди. У фарзандининг қорий бўлиб етишишини истарди. Мадраса олими эса унга одобни ўргата бошлади. Орадан олти ойлар вақт ўтгач, жигарбандидан хабар олиш учун келган ота, ўғлонининг хизматдалигини, дарс қилмаётгани кўрди. Шунда жаҳли чиқиб, азбаройи хафа бўлганидан ерга қараб гапира бошлади.

– Ҳазрат, шунча вақт оралиғида ҳеч бўлмаганда Қуръони Каримнинг учдан бирини ёдлаб олиши мумкин эди. Аммо таом тайёрлаш, таҳоратхона тозалаш, кийим ювиш, сув олиб келиш ва бошқа ишлар билан банд экан. Қўлини қовуштириб, ҳатто ўтирмасдан бир чеккада дарс тинглапти. Бундай бўлишини билганимда бошқа устозга берардим. Рухсатингиз билан ўғлимни олиб кетсам.

Устоз рухсат берди. Ҳатто вазиятга изох ҳам бермади. Ишнинг давоми бизга жуда қизиқ эди. Орадан икки ҳафта ўтмасдан бояги киши ўғлини етаклаб, олиб келди. Уялганидан юзлари қизарган, бошлари эгик, зўрға Салом берди.

– Устоз, – дея гапида давом этди у. – Сизнинг олдингиздан кетгач, уйга келдик. Авваллари ўғлим уйда олдимизда ёнбошлаб ўтирар, айтганимизни қилмас, мен сафарда кўп бўлганимдан анча бетарбия бўлиб қолганди. Даргоҳингиздан уйга бордик. То мен ўтирмагунимча ўтирмайди. Ортимдан юради. Турсам, кўшилиб туриб кетади. Саҳарларда таҳоратга сув тайёрлайди. Овқат қилади. Ҳатто кирларимни қайси вақт ювиб қўйганини билмай қоляпман. Биздан кейин ухлаб, биздан олдин

туради. Юзимизга қарамайди. Истагимизни айтмасимиздан сезади. Суяклари енгил, ҳаракатлари тез. Кўп овқат емайди. Сўрамасангиз, гапирмайди. Одоби гўзал бўлибди. Сиздан ноўрин хафа бўлиб, ранжитибман. Илтимос кечиринг. Фарзандимни юзимни қалин қилиб, яна даргоҳингизга олиб келдим. Қабул қилинг, хизматингизни қилай. Ундан шу икки ҳафта ичида чин дилдан ичимда рози бўлдим.

Устоз табассум қилиб, меҳрибонларча шундай деди.

– Ўша вақтда изоҳ бермаганимизнинг сабаби ўзингиз кўзингиз билан кўринг, дедик. Бизда, аввало, одоб, кейин илм ўргатилади. Бундай услубларни катта устозларимиздан ўрганганмиз. Ҳатто Абдуллоҳ ибн Муборак жаноблари ҳам йигирма йил одоб, ўн йил илм олган, ҳозир илм тарқатяпти. Одоби йўқнинг – дини йўқ. Энди ўғлингизни секин илмга бурсак, энг қисқа замонда кутганингиздан ортиқ бўлади ИНШААЛЛОҲ.

Шу билан суҳбат тугади. Бекорга одобга эътибор берилмаслигини яна бир бор тушундик.

Ҳа, бола азиз, одоби билан янада азиз экан.

Яна бир англаганим шу бўлдики, ҳақиқатда ғазаб, жаҳл билан бошланган ишларнинг оқибати уят билан тугаркан.

САРМОЯМИЗ — ТҶҲРТ ЮЗ МИНГ ДИНОР

Ёшимиз кексалик сари кетмоқда, аммо Абдуллоҳ на илмдан, на тижоратдан ва на жанглардан тўхтамаяпти.

Айни замонда Раққадамиз. Раққа Шомдаги (Суриядаги) шаҳар. Халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари кўп эътибор берадиган, Византияга (Рум эли, ҳозирги Туркия) яқин бўлиб, Халаф шаҳрига ёндош жойлашган.

Бу ерга ҳар сафар келганимизда гўзал суҳбатлар бўлар, тижоратдан саволлар берилиб, муносиб жавоблар олинар, жанг санъатидан илмлар улашиларди.

Илм мажлисларимизда бир чеккада одоб билан ийманибгина дарс тинглайдиган ориятли йигит бўларди. Шу сафар борсак, у кўринмади.

Абдуллоҳ уни топишни менга тайинлади. Қидирдим, суриштириб бир одамдан унинг дарагини топдим. У киши куйиниб гапира кетди.

– Одобли, илмли йигит эди. Бир кишидан анча қарз бўлиб қолибди. Ҳақдор пулини сўраганида, беролмасдан иш қозигача борибди. Оқибат ҳозир зиндонда.

Воқеани келиб Абдуллоҳга айтдим. У кўп ғамгин бўлди. Қарзи бир неча минг дирҳам экан. Ҳақдорнинг олдига бориб, пулни берди ва огоҳлантирди.

– Бу пулларни ўша йигитнинг қарзини узиш учун беряпман. Аммо ихлосимиз пардасини йиртманг. То ўлгунимча бу сирни унга айтманг.

Нақадар гўзал хулқ. Қандай ҳам илм аҳлига меҳрибон-а дўстим?! То у зиндондан чиқиб келгунча, биз сафарга чиқиб кетдик. У ортимиздан келиб, йўлда биз билан учрашди. Салом-алиқдан сўнг Абдуллоҳ унга ажабланиб қараб, савол берди.

– Биз сени зиндонда деб эшитгандик. Қандай чиқдинг?

– Устозим, бир жўмард киши келиб, қарзимни тўлабди. Ҳақдор даъвосидан кечгач, қози ҳукми бекор қилиб мени қўйиб юборди. Раққада мени сўраган экансиз. Бирор хизмати бормикин деб келгандим. Кейин агар рухсат берсангиз, бир муддат ёнингизда юриб ҳам илм, ҳам тижорат ўргансам, бошқаларнинг қўлига қарамасдим шунда.

– БаракАЛЛОҲ, – деди Абдуллоҳ елкасига қоқиб, – аввало, ғамдан қутулибсан, Роббимга шукр қил. Кейин юзингнинг сувини қочириб, бировдан бир нима таъма қилганингдан кўра тижоратнинг долғали майдонига кириб, ўзингни ва оилангни таъминот қилишинг энг гўзал ишлардандир ва қароринг бизни севинтирди.

Шу билан то манзилга етгунча гаплашмадик. Чунки Абдуллоҳ йўлда тиловат қилар, ўрганганларини такрорлар, зикрда ва узун тафаккурда бўларди. Йиллар одатига хилоф қилмади, биз ҳам унга халақит бермадик.

Ростдан ҳам тижорат инсонни бошқалардан беҳожат қилиб, АЛЛОҲ Таъолога ихлос билан ибодат қилишга ёрдам беради. Устозларга,

толиби илмларга хизмат қилиб, шараф билан яшашга сабаб бўлади.

Мана сармоямиз тўрт юз минг динордан ошди (олтин ҳисобида 2 тонна атрофида). Аммо олтинларимизнинг кўплиги Абдуллоҳни ҳам, бизни ҳам ҳеч шоширмади. Абдуллоҳ шундай дерди.

– АЛЛОҲим олтинларни, кумушларни Ўзига ибодат қилишни осонлаштириш учун яратган. Уларга қул бўлиб қолиш учун эмас. Чунки солиҳ бой бўлишнинг энг кам фойдаси, инсоннинг вақтини тежаб, оворагарчиликдан қутулишига ёрдам беришидир. Олтинларга сен ҳукм ўтказар экансан, демак, тўғри йўлдасан, аммо пул сенга ҳукм ўтказа бошладими бузилиш нуқтаси ўша ердан бошланади.

МЕН ЁЛҒИЗ ЭМАСМАН

Сафардалигимизда бир тожирга қалам ва қоғоз учун буюртма бергандик. Ортимизга қайтгач, уни олиш учун бозорга бордик. Афсуски, ҳали келмаган экан.

Абдуллоҳ кўлимизда бор қалам ва қоғозга

китоби учун ёзиладиган бобларни қоралади. Аммо қалам тугаб қолди. Бир кишидан вақтинча фойдаланиш учун олиб турди. Бир муддат ўтиб, Марвга кетишимиз керак бўлиб қолди. Шомда эдик. Тезда йўлга чиқдик.

Бу замонда қоғоз ва қалам шу қадар қиммат ва ноёбки, топиш мушкул, топсангиз, сотиб олишга пул етмай қолиши мумкин. Ҳамма ҳам тоза қоғоз ва қаламдан фойдалана олмайди. Ўсимликлардан бўёқ тайёрлаб, териларни яхшилаб ошлаб, энг муҳим манбаларни ёзади ва сақлайди. Шунинг учун ҳам Абдуллоҳ илм аҳлига кўп пул ажратар, маълумотлар сифатли қоғозларда сақланиши учун ҳаракат қиларди. Айниқса, Қуръони Карим Тафсири ва Ҳадиси шарифларнинг энг сифатли қоғозларга, яхши қаламларда ёзилишига эътибор қиларди. Нодир китоблар туя баҳосида эди.

Шундай қилиб, минг машаққат билан Марвга яқинлашиб қолдик. Уёқда қилинажак ишлар ва режаларнинг кўплиги илдам юришга ундар, чарчоқ устун келса ҳам, дам олмасдик, намоз ўқиш учун тўхтардик, холос.

Бир жойда тўхтаб, таҳорат олмоқчи бўлиб

турганимизда Абдуллоҳ тараддудланиб қолди. Олдига бордим. Қўлида бир қалам, ўйланиб турарди. Эсладим, уни Шомда бир кишидан омонат олгандик.

– Абдуссалом, ортга қайтамиз, – деди у. – Хабаринг бор: зуҳд ва рақойиқ ҳақида китоб ёзмокчиман, мабодо битта омонатни бугун эгасига қайтармасам, у китобни ёзмаганим яхши. Сўзи ва амали бир бўлмаган кишида яхшиликлар жамланмайди.

Намоздан сўнг яна ортга қайтдик. Биёбонлардан ўтиб, не машаққатлар билан Шомга келиб, қаламни бердик. Узрлар сўраб, эгасидан розилик олдик. Шу аснода буюртмаларимиз ҳам келиб қолибди. Уларни олиб, яна Марвга қайтдик.

Унинг зуҳди ва тақвosi мана шундай эди. Ёшлиқдан бирга сафар қилиб юрган бўлсам ҳам, ҳар қачон мени лол қолдириб, қутилмаган қарорлар қабул қилар, бир қалам учун омонатдорликни унутмасин, келажак авлоднинг тарбияси бузилмасин, дея Марвдан Шомга борганди.

Ортга қайтдик. Бу ердаги уй ҳам кенг,

меҳмонхонадан ташқари толиби илмлар ҳам яшашлари учун хоналар бор эди. У ўзининг хос хонасига кириб, китобни ёзишни бошлади. У шижоат билан ишлар, ҳар лаҳзадан фойдаланишга ҳаракат қиларди. Шу қадарки, на илм мажлисларига, на тижоратга ва на дўстлар билан учрашишга фурсат тополмади. Уни фақат намоз вақтларидагина жамоатда кўриш мумкин эди. Шу имкониятдан фойдаланиб, икки оғиз сўзлашишга фурсат бор эди. Бир куни дўстларимиз ундан шикоят қилиб гапирди.

– Эшитдикки, “Китоб аз-зуҳд ва рақойиқ” номли асар ёзаётган экансиз. Сизнинг илм дарсларингизни, тижорат маслаҳатларингизни, жанг санъатидан ўргатадиган кўникмаларингизни соғиндик. Сиз ҳам кун бўйи ва ҳатто тунлари бир ўзингиз ўтириб зерикмадингизми?

У дўстларимизнинг сўзларини эшитгач, аввалига ажабланди, сўнг табассум қилиб жавоб берди:

– Дўстларим, мен ҳам сиздар билан суҳбатларни соғиндим, аммо яқин орада урушга кетиб қолишим мумкин. Шунинг учун китобни

ёзиб тугатишга шошиляпман. Ундан кейин асло ёлғиз эмасман. Мен суюкли Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ва ҳазратларимиз муборак саҳобалар Р.з.лар билан биргаман, уларнинг мажлисида ўтираман, ёлғиз эмасман қандай сиқилай? Ё Ҳадиси шариф эшитаётган, ё умматнинг тарбиясига алоқадор ишларни саҳобаларимиз Р.з.дан ўрганаётган бўламан. Асло ёлғиз эмасман. **Ҳа, майли, вақт бизнинг измимизда эмас, уни бошқаролмаймиз, аксинча, ундан унумли фойдаланишимиз лозим.** Саломат бўлингизлар.

Қисқа суҳбатдан сўнг у яна уйга кириб кетди. Дўстлар-ку майли, ҳатто биз унинг суҳбатларига, у билан таомланиб ўтиришга муштоқмиз.

Ниҳоят китоб тайёр бўлди. Ўн олти жилдлик асар. ИНШААЛЛОҲ, келажак авлод бу китобни ўқийди. Яқин орада илмга чанқоқ бўлган ўғлонлар, ундан барака топиб, кўп фойдалар олади ва умматга хизмат қилади.

Китобда суюкли Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ,

ҳазрати саҳобалар Р.з. ва тобеинларнинг ибодати, таваккули, тавозуси ва қаноатларига доир маълумотлар жам эди.

Абдуллоҳ ҳалоллик, омонатдорлик, шубҳалардан сақланишда ўзи амал қилмагунча, ушбу китобни ёзмади. Ниҳоят асар дунё юзини кўрди. Уни нусхалаш ва зарур жойларга тарқатиш ишини бошладик.

Оққа кўчирувчи котибларга қоғоз ва қаламлар етказдик. Улар хато қилмасликлари ёки сўзларни ташлаб кетмаслиги учун ҳар бир варақни ўқиб чиқадиган бошқа кишилар тайин қилдик. Энг сўнгида сара котиблар яна бир яхшилаб асли билан солиштириб, сўнгра жилдлаб тикиш бошланарди. Шундай қилиб илм аҳллари ва келажак авлодга билимлар етказиларди. Аммо ухламай пайт пойлайдиган душманларнинг кўплиги мусулмонларни уйғоқ бўлиш, замонни яхши англашга ундайди. Мабодо атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни яхши таҳлил қилолмаса, изланмаса, бу каби асарларнинг кўпи ё етиб келмайди ё, душманлар томонидан йўқотиб юборилади. Ишқилиб, китоблар авлодларга етиб борсин.

ҲАМ ИЛМ, ҲАМ ТИЖОРАТ

Марвдан Бағдод тарафларга қайтдик. Бу жойлар – табаррук масканлардан. Неча буюк саҳобалар Р.з. қадами етган ва Имоми Аъзам Р.з.дек ўрнини босиб бўлмайдиган мужтаҳид олимларимизнинг излари қолган жойлар.

Келибоқ бозорга бордик. Келтирган юкларни омборга жойлаб, савдо-сотикни бошладик. Улгурчи баҳоларда кўп кишиларга тарқатганимиздан сўнг, уйимизга қайтдик. Ҳали эртага яна қанча ишлар бор. Бошқа карвонимиз йўлда, уни ҳам тартиблаб, буюртма берганларга сотишимиз керак.

Намоздан сўнг, илм мажлисига бордик. Кўп олимлар у ерда жам экан. Қизғин баҳсу мунозара ва уларга топилган ечимлардан сўнг, мажлис тугаб, ташқарига чиқдик. Мажлисда кўрганимиз аҳли илмлар, биз таниган ва танимаган, яна бошқа мамлакатларда кўришган, анчадан буён учрашмаган олим инсонлар бизни кутиб турган экан. Улар Абдуллоҳга эътирозомуз мурожаат қилди.

– Эй, Абу Абдуррахмон, сиз ҳам илм, ҳам

тижорат қиласиз. Сиздан ўрнак олган тоғон илмлар бозорга чиқиб кетиб, дарс қилмай кўйишларидан кўрқмайсизми? Яна сиздек бир олимга бозорларда юриш ярашадими? Бир олимда ҳам илм, ҳам тижорат қандай жам бўлсин?

Абдуллоҳ уларнинг сўзларини диққат билан тинглади. Уларни хотиржам ўтиришга таклиф қилиб, қиёматгача келадиган инсонларга илҳом берадиган ва дарс бўладиган сўзини айтди.

– Ҳақсизлар, бу иккисини жамлаш осон эмас. Аммо айтингчи, **олимларнинг, толиби илмларнинг бойларнинг эшиги ва султонларнинг даргоҳига бир нима умид қилиб бориши ярашадиган ишми?** Мен ўзим ва атрофимдагилар илмни хорлаб, бировга муҳтож бўлишини истамаганим учун тижоратдан ҳеч воз кечмайман. Устозим Имоми Аъзам Р.зга бу ишда ҳам қаттиқ эргашаман.

Яхшилаб ўйланг. Мабодо олим киши тижорат қилса, илм қолиб кетади, дейишади, агар фақат илм қилиб, ўқитганига пул олса, ҳадялар олса, одамлардан кутмасдан ўзини

таъминласа, бўлмайдими, дейилади. Инсонлар на иссиққа, на совуққа чидайди. Мен эса олимларга ва толиби илмларга ўзларига билдирмасдан ёрдам беришни яхши кўраман. Бу ишни дин равнақи ва умматнинг салоҳи учун қиламан. Атрофга қаранг, қанча ғайридинлар динларини ёйиш учун олимларига хисобсиз пуллар ажратиб, ҳатто бизнинг мусулмон диёрларимизгача жўнатяпти. Даҳрийларга ҳам атрофдагилари олтин-кумуш бериб, фалсафачиларнинг бузуқ эътиқодини ёйиши учун ҳаракат қилмоқда. Нима учун биздан ҳам ғайратлилар, тижорат қилиб, душманларнинг нотўғри таълимотига қарши сўзлайдиган, уларнинг хуружидан бизларни ҳимоя қиладиган илм аҳлларига пул бермаслиги керак? Нима учун дин, эътиқод, қадриятимизни асраш учун умрини сарфлаётганларга хизмат қилмаслигимиз керак?

Келажак авлод ҳам биздек илм аҳлларини эъзозласа, илм ололмаса, моли билан эътиқоди бутун, ихлосли ва илми баланд олимларга хизмат қилса, динимизда минг йиллаб бузилишлар, умматда бўлинишлар бўлмайди.

Сизлар билан кўришганимиздан хурсанд

бўлдик. Энди айбга буюрмайсизлар, озгина хисоб-китобларимиз бор эди.

Хайрлашиб, тезда уйга келдик. Ҳисоб дафтарларни Содик билан бирга кўриб чикдик. Қилинган фойдадан катта қисмини эҳсон учун ажратиб, қолганини янги юклар учун тақсимладик.

Шу билан ҳамма яна ўз ишига машғул бўлди.

Аммо камина ва у ерда йиғилганларнинг миясида айланиб, таҳлил қилинаётган ўйларнинг адоғи йўқ эди. Унинг соғлом нияти ортидан қиладиган амалларининг фойдаси нафакат бугун, балки келажак учун ҳам тегиб тургани хайратлангирса, айти дамда ҳатто илм талабидагиларнинг-да уни яхши тушунмаслиги ғамга соларди. Унинг сўзлари мана шундай тафаккурга ундар, инсонларни ўйлашга мажбур қилиб, оқибат одамлар ҳаёт йўлларини яна бир бор кўздан кечириб чиқарди.

АБДУЛЛОҲНИНГ ДАРС ЎТИШИ

Дарс ўтиш АЛЛОҲимнинг инояти ва суюкли Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ

АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМнинг меросидир. Бу ишда толиби илмларга ўта шафқатли бўлиш, ҳақиқатни сўзлаш, умматга фойдали инсонларни тарбиялашда асло камчиликка йўл қўймаслик лозим.

Абдуллоҳ бу масалада ҳам ўта омонатдор эди. Унинг дарсларида катнашишни кўпчилик истар, мушток бўлиб турарди. Бу сафарги илм мажлиси ҳам ўзгача бўлди. Ҳовлисида ўтирадиган жой қолмаган, келганларнинг кўпчилиги тик оёқда эди. Ниҳоят дарс бошланди. Савол-жавобларнинг кети узилмасди.

– Айтингчи, тижоратни нимадан бошлай?

– Ўғлоним, шогирдликдан бошла!

– Хотирам заиф, нима қилсам, уни кучайтира оламан?

– Кераксиз нарсалардан ўзингизни тийинг, шунда фақат кераклилари эсда қолади. Ҳаромдан ташқари шубҳали нарса ейишдан ҳам сақланинг.

– Яхши одатларни ўзимда ҳосил қилишим қийин бўляпти, чораси борми?

– Бор, кўп насиҳат қилишим мумкин, аммо

яхшисини, кўп яхшиликлар қозонишинг мумкин бўлган йўлни айтаман: ёмон суҳбатдош ва одобсиз дўстлардан сақлан. Улардан кечиб, яхши инсонларга дўст бўл ва солихлар билан суҳбатлаш. Шунда ҳар қадамнинг эзгулик йўлида босилади. Яхши одатларни осон ўзлаштирасан...

Шу тақлид кўп саволлар берилди. Аммо янада қизиқ ва келганларнинг ҳам, бу ҳақда эшитганларнинг ҳам хотирасида умрбод сақланиб қоладиган савол-жавоб қуйидагича бўлди:

– Биз илм ўрганаётганимизда аввал ихтилофлар, тортишувлар, ҳатто ёмон жиҳатларидан бошлаймиз. Шу масалада яна ҳам кўпроқ яхши натижаларга эришишимиз учун нима қилишимиз лозим?

– Азаматларим, инсон бир ишни тўғрисида бошлагани маъқул, аввал хатоларни ўрганиб олай, кейин тўғриларини ёдлайман, дейишингиз нотўғри ва бу ният билан илмни бошлаганингиздаёқ илк нуктасидан хатодасиз. Чунки илмга тўғри эшикдан кирмаяпсиз. Савиянгиз ошиб, тортишувли вазиятларни ақлингиз кўтарадиган бўлганда эътибор

қилсангиз бўлади. Ишни тўғрисида, яхшисидан бошлаш хайрга етаклайди. Бу вазиятдаги ҳавотириш шуки, инсонларга ихтилофлар, тортишувларни таҳлил қилмасдан ҳавола этиш улуғларимизга нисбатан ҳатто беҳурматликка олиб келади. Ундай ҳолда эътиқоди соф, илми баланд, ихлосли устозларимизнинг ҳурматини сақламаганларидан охиратларига зарар келтиради. Аввало, устоз тутинг. Бағдод, Куфа, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳинду Марвда бўлсангиз, устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратларининг шогирдлари этагидан тутинг. Мадинада бўлсангиз, Имоми Молик ҳазратлари бор. Мана Шофеъийдек ҳалитдан етишиб чиқаётган, доврўғи ҳатто халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратларига етган инсон ҳам устозимиз Имоми Аъзам Нўмон ибн Собит Абу Ҳанифа Р.з ҳазратларининг шогирди, дўстимиз Имоми Муҳаммад жанобларидан таълим олиб, юксалмоқда.

Ундан сўнг ҳам кўплаб саволлар берилди. Пешинга азон айтилгач, ҳамма масжидга шошилди. Шу билан яна бир гўзал суҳбат дилларга сурур, калбларга хузур бериб, не илҳомларни келтирадиган ҳолда якунланди.

ОТА-ОНАМНИ ҒИЙБАТ ҚИЛАРДИМ

Ўша кунги мажлиснинг асари ҳали қалбимиздан кетмади. Мана ҳозир Шомга кетяпмиз. У ердан чиқиб, Хуросонга, сўнг Мовароуннаҳрга борамиз.

Бизнинг олдимизда ота-онасини хотирлаган ёки улар билан юрганларни кўриб, қиблагоҳимиз, оёқлари ости жаннатларимизни эслаймиз. Кўзларимиз ёшланиб, ўзимизни худди шамоллагандек кўрсатамиз. Дастрўмолчалар билан кўзларимизни артиб, йўл таъсири дегандек ифода қиламиз.

Аммо кўлимиздан уларнинг ҳақларига дуолар қилиш ва йиғлаш келади, холос. Ота-онамиз вафот этган, уларнинг ҳақкига ҳар куни беш вақт намозда дуодамиз. Улар илм олишимиз учун дуолар қилган ва шароитлар ҳозирлаган, ўзларига хизмат этишимизни истагани ҳолда дин, бутун мусулмонлар учун ғайрат кўрсатишимизни буюрган зотлар. Кошки тирик бўлсайди, яна қўл ва оёқларидан ўпсайдик. Ёнларида бир муддат ўтириб, дунёнинг ғала-ғовурларидан бир дам тин олиб,

сурурлансайдик. Яна бир бор дуоларини эшитсак. Кулиб боққан кўзларини кўрсак...

Хаёлларимни бир тожир бузди.

– Сизларга буюртма берган эдик. Юкимиз келган бўлса, олиб кетсак, бўлармикин, дея келгандик.

Унинг маҳсулотларини бериб юборгач, бу ердаги маҳаллий тожирлар билан учрашдик. Чунки сармояларимиз бор ва ишлар қандай кетаётгани бизга қизиқ эди. Шу тақлид анча вақт ўтди. Қанча илм дарслари, қанча тижорий суҳбатлар, неча жанг кўникмалари инсонларга улашилди.

Бир куни кўп одамлар бир илм даргоҳида ғийбат қилаётгани, натижада ўртада тортишувлар бўлаётганини эшитдик. Бордик. Ҳақиқатда тўпланганлар кўп ва икки ё учга бўлиниб, сўзлашмоқда. Тортишувларда ўзаро ҳурмат сезилмайди. Бизнинг келганимизни билишгач, ҳамма тинчланди. Сукунат бошланди. Абдуллоҳ йиғилганларга бир қур назар ташлаб қисқа гапирди.

– Сизларнинг илм учун ғайрат қилиб,

тўпланиб, баҳс-мунозара қилиниши ва
гўзал. Аммо эътибор қаратайтириш
жиҳатларингиз бор. Шуларни тўғриласангиз,
Энг қисқа замонда олим бўласизлар.
Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМ ва муборак саҳобаларимиз Р.з
одатларидан бири шундай эди: улардан бир
киши сўзлар, қолганлар эшитар, кейин бошқа
бир киши гапирар, ўзгалар тингларди.
Аралашиб ёки ҳамма ўзига яқин ўтирган билан
суҳбатлашиб ўтириш номусулмонларнинг
одатидир. Сизлар бирингиз сўзлаганда
бошқаларинингиз эшитадиган бўлинг.
Суннатни, гўзал одоб ва одатни ўзлаштириб
олинг.

Яна алоҳида суҳбатлар ғийбатга олиб
келади. Ғийбатнинг гуноҳи ҳақида яхши
биласизлар. Энг камида ғийбат қилувчининг
савоби ғийбат қилинувчига ўтказилади.
Жамиятдаги бундан бошқа ғийбат ортидан
келадиган бузилишларни санамасак ҳам бўлади.
Бу иллат ҳатто давлатлар орасини бузиб
юборади. Агар мен шу ишга аҳд қилсайдим,
ота-онамни ғийбат қилардим. Чунки
савобларимга энг ҳақдор улардир.

Савобларимнинг бегонага кетишини ҳеч
истамасдим.

Кейин дуо қилиб, ташқарига чиқиб кетди.
Ортидан кетяпман-у, нукул тафаккур қиламан.
Устоз кўрган инсон билан ўз мақомига
йўрғалаётган, кўлига тушган китобни ўқиб,
бошқа асарларни ўқимасдан ёки бор
маълумотни ушлаб олиб, қолганини тан
олмасдан юрганларнинг орасида қанча фарқ
бор. Бизнинг замонимизда Ҳадиси шарифни
ривоят қиладиган муҳаддислар ҳатто фикҳга
аралашмайди. Арабчани яхши билмайдиган,
саҳобалар Р.з ҳаётини, илмларини тузук
ўрганмаганлар ҳатто ояти Каримадан
сўзламайди. Ишқилиб, келажак авлод бузулиб,
ўзини ақлли ҳисоблаб, кўрқмасдан Қуръони
Каримдан ояти Карималарни ўзларича тушуниб,
айтиб юрмаса бўлди. Яна бўлиниб, бўлиниб
ҳамма суҳбатларини ҳар тарафга тортмасайди.
Ғийбат қилиш урчимасайди.

Эртამиз эгалари ҳам ота-онаси ғийбатга
энг ҳақли эканини билса, ғоят гўзал келажак
бўлади ИНШААЛЛОҲ.

УСТОЗГА ҲУРМАТ МАНА БИНАИ БЎЛАДИ

Эскидан “Устоз отадан улуғ” деган сўзга ҳеч ким ҳилоф қилмас, рухларини тарбиялайдиган солиҳлар олдида одоб сақланарди. Чунки устозсиз бир ҳафталик йўлни етти йилда босиб ўтасиз. Шунда ҳам тўғри манзилга боришингиз даргумон. Айланиб-айланиб ё жойингизга қайтасиз, ё адашиб, бошқа жойга бориб қоласиз. Яна бошидан бошлай десангиз, умрингиз увол бўлган ва ҳафсалангизни топишга мажولينгиз ҳам қолмаган бўлади. Шунинг учун устозларни ҳурматлаб, уларнинг илмини олиш буюк саодат.

Ҳадиси шарифни ривоят қилишдаги устозларимиздан бири Ҳаммод ибн Зайд ҳазратлари эди. У киши билан учрашувимиз роса ажойиб бўлган.

Абдуллоҳнинг зеҳни ўткирлиги, қорийлиги, араб тилини мукаммал билиши ва кўп Ҳадиси шарифлар ёд олиб, ишончли ровийлардан ривоят қилиши кўпчиликка етиб борган, у билан кўришишни, ўзидаги илмларни

унга ўтказиб, келажак учун фойдали иш қилишни аксар олимлар ўйларди. Биз Ҳадиси шариф ривояти илмини ўрганиш учун Ҳаммод ибн Зайд ҳазратларининг олдига келгандик.

Суҳбатлашиб ўтириб, ҳазрат Абдуллоҳнинг илми ва иқтидори, истеъдодининг ноёблигидан ҳайратга тушди. Кейин мана бундай гўзал савол-жавоб бўлди.

– Сиз қайси мамлакатдан келдингиз?

– Марвданман ҳазрат.

– У ёқларда биздан илм олиб кетган шогирдларимиз бор. Жойлашиб ўтириб олай, чунки у тарафдаги Ҳанафий мазҳабидаги етук олимларни танийман. Табаррук заминдан экансиз. Ҳалитдан Марв – дунё шаҳарлари орасида “шоҳи жаҳон” деб ном олган. У ерда Абдуллоҳ ибн Муборак исмли ёш олим, жангчи, етук тожир етишиб чиққани ҳақида эшитдим. Сиз у йигитни танийсизми?

– Ҳа, танийман.

– Хўш, айтингчи, ҳозир Абдуллоҳ ибн Муборак нима иш қиляпти?

– Абдуллоҳми? У ҳозир сиз билан

гаплашиб ўтирибди.

Бу гапни эшитган Ҳаммод ибн Зайд ҳазратлари ўрнидан туриб, у билан қайтадан кучоклашиб кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Ҳаяжонланганини яширмасдан, севинганини ошкор қилди...

Мана орадан йиллар ўтса-да, ўртадаги илиқ муносабат ҳали ҳам ўрнида, устозга ҳурматимиз эса ошган бўлса ошганки, асло камаймаган.

Орада тижорий сафаримиздан қайтиб, устознинг олдига келганимизда ибрат бўларли бир иш бўлди.

Ҳадиси шарифдаги устозимиз ҳазрат Ҳаммод ибн Зайднинг шогирдлари кўп эди. Бу сафар аввалгидан ҳам кўпроқ талаба йиғилган экан. Бизни кўриб, устозимиз хушнуд қарши олди. Дарсга халақит қилмаслик учун ортиқча ҳаракат қилмай, тезда ўтирдик. Бироздан сўнг, устозимиз толиби илмларга юзланиб шундай деди:

– Ораларингизда кимда савол ёки кизиқтирган бирор илм бўлса, сўрасин.

– Устоз, – дея ўрнидан турди бир талаба, –

бизда бошқа бир илтимос бор эди. Бугун имкони бўлса, Абдуллоҳ ибн Муборак жаноблари Ҳадиси шариф айтса.

Табиийки, бунга Абдуллоҳ қаршилик қилди. Устозга ва талабаларга қараб ўз фикрини баён этди:

– Биз ҳаргиз буюкларимизнинг олдида гапирмаймиз. Бундай одобсизлик қилмадик, бизни беодобликка мажбурламангизлар.

Барибир улар оёқ тираб туриб олди. Устоз ҳам ривоят қилишга ундади ва рухсат берди.

У ривоят қила бошлади: “Абдуллоҳ устози Ҳаммод ибн Зайддан...”, “Абдуллоҳ устози Ҳаммод ибн Зайддан...”, “Ҳаммод ибн Зайд ҳазратларидан...” дея кўп ривоят қилди. Аммо фақат устозимиз ривоят қилган Ҳадиси шарифларни айтди. Бошқа кишидан гапирмади. Ҳамма жим бўлиб қолди. Устозимиз уни қаттиқ дуо қилди.

Абдуллоҳ бу иши билан келажак авлодга ҳам дарс ўтганди. Тузук устози бор одам бошқадан гапирмайди, бошқага рухсатсиз бормади, устозидан бошқа кишидан то ижозат

бўлмагунча илм олмайди. Буюклар олдида гапирмайди, сўзласа, гўзал сўзлайди, улардан сўзлайди. Ҳа, Абдуллоҳ ана шундай латиф одоб-ахлоқ соҳиби эди. Ҳам беодоблик қилмади, ҳам одоб ўргатди. Шунинг учун ҳам уни ҳамма яхши кўрарди. Буюкларни хурмат, кичикларни иззат қилмаган инсон умматдан бўлмаслиги борасидаги нақл қилинган Ҳадиси шарифни ҳаёт тарзига айлантириб олган эди у.

Ўзимиздан олдинги ва замонамиздаги ихлосли, омонатдор, илмга хиёнат қилмаган, дин ва уммат ғамида яшаган олимларни қаттиқ хурматлар, ўзини уларга тенг билмас, улар ҳақида фақат яхши сўз айтарди. Кичикларимизни яхши кўрар, уларга отадан меҳрибон эди. Илм аҳлининг ҳақиқий ҳомийларидан бири, таъбир жоиз бўлса, энг катталаридан эди.

КЎП ЕГАН ЭМАС, ТАНАСИГА СИНГГАН ҚУВВАТЛИ БЎЛАДИ

Устозимиз Ҳаммод ибн Зайд ҳазратларининг олдидан чикқач, Мовароун-наҳрга йўл олдик.

Мовароуннаҳр – бағоят кўркам, фирдавсмонанд мамлакатлардан бири. Пурвиқор тоғлари, нафис гуллар очилган боғроғлари, танимизда гупурган қон томирлари янглиғ Амударёси ва Сирдарёси, бепоён чўлу адирликлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Оқар сув ва тиниқ булоқлардан сув ичиб юрган ихлосли ва меҳмондўст одамлари бизда ҳам муҳаббат, ҳам ҳайрат уйғотади. Чунки инсонлари фавқулодда мард, кўркмас ва шижоатли, ваъдаларига маҳкам, ўта ориятли эди. У ер одамларининг бунчалик тез юксалиши ва илмда ҳам, тижоратда ҳам, ғазотда (жангу жадалда) ҳам бошқалардан илгарилаб кетаётганининг асл сабабларидан бири мана шу ихлослари ва санаган сифатларидан ташқари сиройли феъллари бўлса керак. Улар Имоми Аъзам Р.з устозимизнинг Ҳанафий мазҳабида бўлиб, Имоми Муҳаммад дўстимизнинг катта шогирди Абу Ҳафс ал-Кабир – икки оёкли дорилфунун (юрувчи университет) нинг тарбияси остида эди. Ғозийликни Абдуллоҳ ибн Муборакдек буюклардан ўрганган эркаклари шижоатли бўлиб, аёллари эса бола тарбиясига шунчалар киришгандики, камчиликка йўл қўймасди.

Бунингдек хайрли ишларга ғайрат қилган халқ тез орада Исломга қувват бўлиши ва дунё ривожини учун тенгсиз ҳисса қўшиши аниқ эди.

Мовароуннахрнинг аллақачон машҳур бўлган Бухорои шариф шаҳрига бордик. Кўхна Бухоро неча султонлар сулоласини кўрган. Қанча маҳобатли обидалари бор. Бухороликларнинг мардлик, жасурлик, ғайратлиликларидан ташқари яна бир гўзал сифатлари бор – ҳалимлик. Уларнинг бу хислатлари ўзгаларнинг уларга дўстлигини орттирарди. Муслмонликлари ҳақиқатда катта ютуқлари бўлиб, дунёга Исломнинг ҳақ дин эканини уларнинг юриш-туришларидан кўрса бўларди. Бу инсонлар муслимликни қисқа замонда ўзларининг ҳаёт тарзларига айлантириб олишганди.

У ерда Абу Ҳафс ал-Кабир билан учрашиб, кўп суҳбатлашдик. Устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратларининг шонли даври ва баракали даргоҳини эсладик. Тижорий ишларимизни битириб, ортга қайтмоқчи бўлганимизда, талабалар билан бироз суҳбатга таклиф қилиндик. Улар ҳар хил савол берар, Абдуллоҳ эринмасдан жавоб қайтарарди. Қачон фикрдан

сўралса, Абу Ҳафс ал-Кабирга ишора қиларди. Шунда бошқа бир мамлакатдан келган бир гуруҳ толиби илмлар шундай савол берди:

– Ҳазрат, бизнинг диёрларда инсонлар кўп ейди, аммо сизлардек ғозий эмас, бақувват эмас. Сабабига кизиқдик, нима учун уларнинг таналари сизларга қараганда заиф? Ахир сизлар бир кунда икки мартадан ёки бир марта таомланасизлар-ку.

– Ўғлим, яхши савол бердинг, – дея сўзида давом этди Абдуллоҳ. – Минглаб Ҳадиси шарифларни ўрганиб, медани (ошқозонни) тўлдирмаслик саломатликнинг калити эканига амин бўлдик. Мусулмонлардан бошқалар, кунига камида уч ёки тўрт марта овкатланади. Оз-оздан тез-тез есак, соғлом бўламиз, саломатлик чўккисига чиқамиз, деб ўйлайди. Бизларда айтганингдек акси. Энди яхшилаб тушуниб олишингиз лозим. Кам ейиш дегани, кун давомида оз-оздан еб юриш эмас, кун мобайнида икки мартадан ортиқ емасликдир. Ва яна инсон кўп егани учун эмас, егани танасига сингани билан саломат ва бақувват бўлади. Кам еган инсоннинг фикри тиник, танаси бақувват, руҳи енгил ва харакати тез бўлади.

Энг муҳими кам еган киши кўркмас бўлади. Кўп еган одамнинг нафси семириб, кўп нарса хоҳлайди, дини ва дунёсининг мувозанатини ушлолмай, очкўз бўлиб қолади ва натижада кўрқоққа айланади. Лаззатлардан воз кечолмайдиган, динини ва дунёсини кўриёлмайдиган бўлади. Азаматларим, кўп еганларнинг кўп касал бўлиши тажрибадан маълум. Бу замоннинг табиблари таомланиш ортидан ҳаста бўлганларни эмас, жангда яраланганлар, машғулотада лат еганлар, заҳарланганлар, иссиқ ё совуқ урганлар ва бошқаларни даволайди. Устозларингизнинг этагини маҳкам тутиб, айтганига амал қилинг. Камҳаракат бўлган илм толиблари учун кам овакатланиш кифоя. Аммо жанг санъати, тижорий сафарлар билан ҳам машғул бўлганлар бир кунда икки марта таомланса бўлади. Ўзингиз ва наслларингиз ғайратли бўлиши учун кам ейишни одат қилинг.

Шу билан мажлис тугади. Йўлга отландик. Ўйга чўмдим. Унинг гаплари тўғри. Бугунги кун мусулмонлари ичида корин қўйганлари йўқ. Шунинг учун ҳам нафсини семиртирган душманларнинг ҳар қандай ҳамласига муносиб

жавоб бермоқда. Ҳар соҳада илдам. Мудраб, уйкусираб юрмайди. Фикрлари тиниқ, хотиралари мустаҳкам ва ориятли. Овқат устида йиғилиб, мажлис қилмайди. Учрашувларини таом устига ташкил қилмайди. Натижада шижотлари зўр ва дунёга манфаатлари етмоқда.

Ў, Мовароуннаҳрнинг келажак авлодлари, ихлосларингиз, мардликларингиз, шижоатларингиз натижасида қувватли бир ўлка “Ислом динининг куббаси”, “Ислом динининг қуввати” мақомларига сазовор бўлишларингизнинг ҳиди келмоқда ва ўша дамларга етмасак-да соғинмоқдамиз.

Айниқса, Абу Ҳафс ал-Кабир ҳазратларининг ғайрати худди устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратлариникидек эди. У кишидек олимларнинг ортидан миллионлаб мужтаҳидлар, фозиллар чиқишига ишончимиз комил. У жанобнинг қилаётган ишларидан жуда мамнун бўлдик. Ёш бўлса-да, фикҳда қувваи ҳофизаси ўта кучли ва фаҳм-фаросати минг элникидан зиёда эди.

НАСИҲАТИ ГЎЗАЛ ЭДИ

Абдуллоҳ бировга насиҳат қилса ёки сўзласа, овозини кўтармас, ўктам ва гўзал сўзларди. Мисолларни аниқ келтирар, дин номига доғ туширмасди. Савол сўраганнинг саволи куракда турмас бўлса-да, ғазабланмас, уни тарбияга келтирмасдан қўймасди. Ҳеч кимни ерга урмасди. Номусулмонга виқорли, мусулмонларга эса камтар ва илиқ муносабатли эди. Тарафқаш эмас, бировни ёмонламасди.

Ундан ташқари фикҳ, адаб, наҳв, луғат, соҳидлик, шижоат, шеър, нотиклик, парҳезкорлик, ибодат, хаж, ғазот борасидаги илмларни чуқур эгаллаганлиги, чавандозлик, ўзига алоқаси бўлмаган нарса ҳақида гапирмаслик, ўз фикрида қатъиятлилик, дўстлари билан камдан-кам ҳолларда ихтилофга бориш каби фазилатларга ҳам эга эди.

Мовароуннаҳрдан қайтиб, Шом томонга келдик. Муборак Ҳаж сафарига борадиган йўлдошларнинг рўйхати тузилди ва уларнинг бутун харажатлари қопланди. Факирларга алоҳида юз минглаб дирҳам ажратилди. Шу

ҳолда бир куни бир жойга меҳмонга чақирилдик. У ерда бироз суҳбатлашгач, бир олим киши аксирди ва ҳамдани унутди. Ҳамма жим. Шунда Абдуллоҳ савол берди.

– Ҳазрат аксирган киши нима дейиши ҳақида билдирсангиз.

– Алҳамдулиллаҳ, дейди, – деб жавоб қилгани ҳамон, Абдуллоҳ:

– ЯрҳамукАЛЛОҲ, деди. Унинг гўзал одобидан кўпчилик ҳайратда қолди. Бироз суҳбатдан сўнг, Абдуллоҳдан ўзларига насиҳат қилишларини илтимос қилишди. У дўстларимизга боқиб, сўз бошлади.

– Сизларни ҳурмат қиламан. Модомики, сўзлашимни истабсиз, энди эслаб қолинг. Ким илмли ва эътиқодлари соғлом олимларни менсимаса, охиратига, султон ва амалдорларни менсимаса, дунёсига, дўстларини менсимаса, мурувватига зарар қилади. Солиҳ олимларнинг АЛЛОҲ Таъоло наздида даражалари баланд ва унингдек қулларини бандаларига хор қилдирмайди, уларга душманлик қилганларга дунёда юзининг нурини кетаказиб, охиратда азоблаб, жазо беради. Султонларни,

амалдорларни енгил санаб, пастга урса, ё тинч яшаб турган жойидан, ё молидан, ё жонидан айрилади. Дўстларига енгил қараб, уларни паст санаса, муруввати кетиб, жўмардлиги қолмайди. Энди бизларга рухсат берсаларингиз, бир китоб устида ишлаётгандик.

... Абдуллоҳ уйга келибоқ, китоб ёзишга киришди. Дўстларига гапнинг бир учини чиқаргани бу асар жанг санъатига бағишланган “Ғазот китоби” эди.

ЖАНГ ҚИЛМАГУНЧА ЁЗМАДИ

Абдуллоҳнинг бир одати бор эди: ўзи синаб кўрмаган бирор ишни тавсия қилишдан сақланарди. Илмлилиги учун дарс ўтар, тожирлиги учун масалаҳат берарди. Аммо то ўзи урушга чикмасидан олдин, жанг санъатидан сўзламади.

Айни йигит вақтларимиз у аллақачон Қорий, олим ва ровий эди. Абосий халифаларнинг Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари замони жангу жадалга энг кўп чикқан пайтимиз

бўлди. Ушбу халифа даврида илм-фан, тараққиёт гуллаб-яшнади.

Абдуллоҳ шу замонда ўзининг жанг сир-асрорлари битилган икки юзи олтмиш икки дона Ҳадиси шариф келтирилган нодир асари — “Ғазот китоби”ни ёзди.

Инсонларга ҳам тижорат ва сармоядорлик, ҳам жанг санъати сирларидан таълим берди. Урушларда тоблангач, дунё юзини кўрган ушбу китоб, йўқолиб кетмаса, келажак авлод учун ҳам қатта бир қўлланма бўлади. Чунки унда қанчадан-қанча уруш услублари, йўллари, душманни доғда қолдириш ва ғалаба қозониш илмлари бор.

Энди у инсонларга ҳам амалида, ҳам сўзида ғазотдан сабоқ бера оларди. Шу жойда бир воқеа эсимга тушди.

Тарсус (ҳозирги Онадўли, Туркия) тарафда жангда эдик. У ҳар доимгидек юзини яхшилаб ёпиб, жанга киришди. Бир ҳамлада неча душман баҳодирини ер тишлатди. Қиличбозлигидан беҳабарлар, икки қўлида ҳам баравар шамшир тутадиган Абдуллоҳнинг тиғи остида жон берди. Қўшиннинг кайфияти кўтарилиб,

шиддатли жангда ғалаба қозондик. Инсонлар йиғилиб келиб қахрамоннинг кимлигига қизикди. У бўлса, отига қамчи урди. Абдуллоҳ ибн Синон деган дўстимиз отнинг юганидан каттиқ тортиб, юзини очмоқчи эди, жавобан шундай сўзлар эшитди.

– Эй фалончи, сен бизнинг сир пардамизни йиртмоқчимисан? Худодан кўрқ. Шу вақтгача қилган кўп ишларимни сир сақлаб келяпман, ўлимимдан сўнг билдирсанг майли, аммо ҳаргиз ихлосимизни бузма ва нафратимизга сабаб бўлма. У юганни қўйиб юборди. Абдуллоҳ эса отини елдириб, кўздан ғойиб бўлди. Унинг жасорати, мардлиги, қахрамонлиги мана шундай эди. Ҳали мавриди келганида яна сўзлайман.

ИРОҚДА ТИЖОРИЙ ЙИҒИН

Орадан бир муддат ўтиб, яна Ироққа келдик. Бағдодда ҳаёт қайнаган, шаҳар бутун дунёдан келган инсонлар билан тўла. Биз юқларимизни жойлаб, хотиржам уйга келдик. Абдуллоҳдан бошқа ҳамма дам олди. У эса

камон отиб, машқ қилди. Камони ва шамшири доим ёнида юради.

– Мусулмон одам доим уйғоқ бўлиши лозим. Душман билан қаршилашишни орзу қилмайди, аммо тайёр туради. Бир қўлида китоб, бир қўлида камон, қилич. Чунки мусулмонларнинг тинчлигига, илмда пешқадамлигига халақит бермоқчи бўлганлар сира тингани йўқ. Агар мусулмонлар бир кун дам олиб, сусайса, улар шундай ҳаракатга келадики, кўз очирмайди. Натижада мусулмонлар заифлашади ва қарамликнинг аччиқ аламини тотади, – дерди доим машқ қилаётганида.

Бугун ҳам айни иш. То чарчагунча машқ қилди. Ювиниб, кийимларини алмаштириб, менга юзланди.

– Абдуссалом, бизни тижорий йиғилишга чақирганлари эсингдадир. Тезроқ бормасак, у ердагиларнинг вақтини увол қиламиз. Қани отландик.

Тезда айтилган жойга бордик. Туманот одам йиғилган, уларнинг кўпчилиги тижоратчи ва аксари ёш эди. Ҳурмат билан кутиб олишгач,

дунё бозоридаги аҳволдан сўз очилди. Одамлар ўз тажрибаларидан улашди. Ниҳоят сўз навбати Абдуллоҳга келди. Унинг буюк тожир ва ақлли бир сармоядорлигини йиғилганлар яхши биларди. Шунинг учун сукут саклаб, вужудларини кулоққа айлантириб, тинглашни бошлашди.

– Дўстларим, бизни бу ерга чақириб, хурсанд қилдингиз ва шараф бердингиз. Сизлардан кўп нарса ўргандим. Мендек бир кексалик томон одимлаётган инсон учун сиздек ғайратли, илмли ва тожир ёшларнинг даврасида бўлиш завқли, албатта. Сизларга сармоя илмидан озгина бўлишсам, вақт озлиги учун қисқароқ қиламан.

Мендан “Қаерга сармоя киритган бўлардингиз?” деб кўп сўрайдилар. Мен эса оддий жавоб бераман: **аввало АЛЛОҲим сизга барака бериб турган ишингизга**, ундан сўнг қаерда ривожланиш кучли ва инсонларнинг эҳтиёжи юқори, ечилиши лозим муаммолари кўп бўлса, ўша ерга. Сизнинг ишингиз ўша имкониятларни излаб топиш ва бой бўлиб, ўзгалар ҳаётини енгиллаштириш, сахийлик қилишдир.

Эслаб қолинг, Бағдодда пул келтирадиган сармоя турлари бошқа юртларда ишламаслиги, ҳатто энг яқин қўшни давлатларда ҳам самарасиз бўлиши мумкин. Масалан, бизда юк олиб кириш ва юк олиб чиқиб, четга сотиш асосий даромад манбаи. Аммо Чин, Эрон каби мамлакатларда ишлаб чиқариш ва қўл меҳнатига асосланган ишлар кўп даромад келтиради.

Бир туяни юз динорга олиб, маълум вақт ўтгач, яна шунча олтинга сотиш сармоя эмас. Одамлар шунчаки пули йўқолиб кетмаслиги учун қиладиган тадбирлардан, холос. Ва айна дамда хавфсиз усул ҳам эмас. Чунки туя қариши ё касалланиши ё ўлиши мумкин.

Сармоя киритиш – пухта илм. Бу бир томонлама эмас, бу ҳар томонлама ўрганиладиган, қизиқиладиган жараёндир. Эшитилган ҳар нарсага ишониб кетиш ярамайди, шунчаки кимдандир эшитиб қолган ишларга сармоя киритилмайди. Олтиннинг ватани бўлмайди. Ниятни тўғрилаб, ақл юритиб, иш қилинса, у ҳамма жойни ватан тутати.

Сармоя киритиб, зарар кўрганда аҳволи ўзгарадиган ва кучли босим остида

коладиганлар бор. Сабаби яна илмсизлик. Аввало, сармояни ишонган одамга, корхонага, иш усталарига киритиш, аммо пулларни бир жойга эмас турли жойларга йўналтириш самаралироқ. Сиз, айтайлик, йиллар йиққан бор олтинингизни бир жойга сармоя қилдингиз. Пулингиз бир кўпайиб, бир камайиб турибди. Аммо ажойиб кунларнинг бирида хабарчи иш касод бўлгани ва пулингизга куйганингизни айтади. Қандай аҳволга тушасиз?

Қўлингизда олтин бўлиб уни кўпайтира олмаслигингиз мумкин. Сармоядор бўлишни ўйлаш яхши, аммо сиз соғлом ниятли, ижобий фикрловчи, тез таҳлил қилувчи бўлмасангиз, яна айланиб ҳозирги турган ҳолатингизга қайтасиз.

Бирор сайёҳдан, айниқса, бугун Бағдодда шундай кулоққа лағмон осадиганлар кўп, фалон давлатда ёки фалончи пулингизни энг қисқа замонда икки баравар, беш баравар ё ўн баравар ошириб беради, қабалидаги сўзларга ишониб, асло сармоя қилманг. Чунки катта эҳтимол билан алданасиз, касодга учрайсиз.

Бизда гўзал жумла бор: сувни кўрмасдан

этик ечманг. Тушунмаган ва билмаган ишларингизга пул берманг. Сармоя киритадиган жойингизнинг иши аниқ ва одамлари ғайратли, натижа кўрсатиб юрган бўлмаса ёки сармоя киритмоқчи бўлган одамингиз ишнинг кўзини билмайдиган бўлса, яхшиси пул киритманг. Сабр қилинг.

Модомики, сармоядор бойга айланмоқчи экансиз, аввало, соғлом ният ва инсонларнинг оғирини енгил қилишни мақсад қилинг.

Ёшларнинг пул топиш эҳтимоли юқори бўлади. Агар улар тажрибали устознинг ақли билан ўзининг кучини бир орага келтирса, ёш бўлса-да, сахий бойга айланиши осон кечади. Бунинг учун эса, аввало, ота-она ўғлини ўқитишга ҳаракат қилиши керак.

Эндиги масала тожирлар оиласи ва яқинда тижоратга кирган инсонларнинг тутган тутуми ҳақида. Эскидан тижоратчилар оиласидан чиққан одам пули ортгани сари яшашини яхшилаб боради ва фойданинг оз миқдорини олиб эҳтиёжига ишлатишга каноатланади. Янги тожирлар бирдан яхши маркаб (улов) миниб, яхши уйда яшагиси келиб қолади, бу табиийки,

тижоратнинг кенгайишига тўсқинлик қилади, чунки фойданинг асосий қисмини эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Яна бир муҳим жиҳат: эски савдогарлар фарзандларининг тил ўрганишига жуда эътиборли бўлади, чунки ўз ишини янги босқичга олиб чиқишни фарзандига топширади. Янги савдогар отаси қилган савдони қилгиси келмайди ёки фарзандига яхши шароит қилади-ю, аммо бир неча тилларда мукаммал гаплашиш муҳимлигига эътибор қаратмайди. Билмайдики, бугунги замонда энг биринчилардан бўлиб ривожланган давлатлардаги янгиликлардан чет тилини билганлар хабардор бўлади, бу катта устунлик, албатта. Шу боис фарзандни ҳам илм олиши учун олимларга, ҳам тижоратчи бўлиши учун моҳир тожирга шогирдликка бериш жуда муҳим. Шунда ўзлари етмаган манзилларига ўғлонлари етиб, улгурмаган ишларини ниҳоясига етказди.

Сизларнинг буюк тижоратчи бўлиб, нафақат мусулмон дунёси, балки бутун инсониятга манфаати тегадиган одамлар бўлишингизни истардим. Мажлис ниҳояламоқда, сўнги тавсияларим шу: ҳеч қачон

очкўз, хасис, ўзини ўйлайдиган, ўзгаларнинг зарари эвазига бойишни кўзловчи, инсонларнинг қийинчиликлари устига тижорат қурувчилар билан дўстлашманг, улар билан суҳбатлашманг, ишларингизни минг зўр бўлса ҳам улар билан маслаҳатлашманг. Чунки оқибатда афсус қиласиз.

Тажриба орттиринг. Ўзингиз мустақил ҳаракат қилгандан кўра, керак бўлса, қилмоқчи бўлган ишингизда ютуққа эришган амалиётчи инсондан тажрибани сотиб олинг. Шунда вақтингиз беҳуда кетмаслигидан ташқари, осон ва тезроқ муваффақиятга эришасиз. Вақтингизни тежанг, умрингизни увол қилманг. Олдингизда вақт ва пул танлови бўлса, вақтни танланг. Келажак авлод ҳам тежамкорлик деганда ишқилиб фақат пулни тушуниб қолмасин...

Йиғилганлар кўп ташаккурлар билан бизни кузатди. Унинг сўнгги сўзлари ҳам ҳаётдаги кўрганларимиз ва амал қилганларимизнинг мағзи эди. Кайфиятимиз кўтарилиб, янада ғайратимиз ошиб, мажлисдан қайтдик. Келибоқ, биринчи галда сармояларимизни бир қур кўриб чиқдик. Фойдамиздан бир қисмини тезда илм

аҳлларига етказдик. Шу билан яна сафарга отландик.

ОТ ҲАМ ҲАДЯ БЎЛСИН, ПУЛ ҲАМ ЁНИНГДА ҚОЛСИН

Мана Хуросон, Марвда ишларимизни битириб, Шом сари йўлга отландик. Эсласам, умримизнинг аксар қисми сафарда ўтаётган экан. Абдуллоҳ тижоратдан қозонган пулларидан шу қадар кўпини эҳсон қилдики, ҳатто сафарда вақтларимиз баъзан маблағимиз тугаб қоларди. Бу сафар эҳтиёт шарт кўпроқ пул олиб йўлга чиққандик. Аминманки, Шомга бориб, карвонимиз келгунча ҳамма олтинларимизни тарқатиб бўламиз. Чунки Абдуллоҳнинг ҳадя улашмаган, эҳсон қилмаган куни йўқ деярли.

Отимизни уфққа туташган бу кенгликларда елдиран эканмиз, ўтган ҳаётимизнинг елга совурилмагани учун Роббимизга шукур қиламиз. Ҳа, шукур неъматни зиёда қилади. У қуллимизнинг ҳам изҳоридир.

Эрта тонгдан яна отимизга қамчи босдик.

Отлар ҳориганда, тўхташ учун қулайроқ жой кидириб, яна озроқ юрдик. Узоқдан бировнинг қораси кўринди. Яқинлашдик. Аввалига биздек кимдир сафарга чиққан-у, отини дам олдирыпти, деб ўйладик. Яқинлашиб билдикки, унинг оти ўлган, ўзи йиғламоқда экан. Салом бердик. У ҳазин алик олди.

– Ўғлоним, нечун йиғламоқдасан, – деди Абдуллоҳ унинг елкасига қўлини кўйиб.

– Айтсам, кошки дардимга малҳам бўлсайдингиз, – деди у кўз ёшларини артаркан. – Бу отимни уч юз дирҳамга сотиб олгандим. Қаранг, зотдор от. Бошқа отлардан икки баравар қиммат туради. Ундан фойдаланмоқчи эдим. Аммо мақсадимга етолмадим. Ўзим фақир, оилали ва серфарзандман. Оиламнинг олдига қуруқ қўл билан боришга уяляпман, ёш болаларим кўз олдимга келиб, ғамдан ўзимни тутолмай, йиғлаб юбордим. Уни бор пулимга олгандим. Энди юзимнинг сувини қочириб, бировдан пул сўрашга ботинолмайман.

Абдуллоҳ унинг елкасидан тутиб шундай деди:

– Ўғлим, сен уни соғ вақтда уч юз дирҳамга

олган экансан. Мен шу отингни ўлик ҳолида беш юз дирҳамга оламан.

Унинг сўзларини эшитган йигит аввалига ишонқирамай, изтехзоли кулиб қўйди. Устимдан куляпти, деб ўйлади. Аммо бир халтача дирҳамларни кўргач, ўрнидан туриб кетди.

– Умримда ўлган ҳайвонни сотиб оладиган одамни учратмадим, – дея тортиниб гапида давом этди. – Сиздек инсонлар бу саҳроларда учраса, ё фаришта бўлади ёки бутун дунё мусулмонларини ўз танасидек билиб, шунга муносиб муомала қиладиган солиҳ инсон бўлади.

Абдуллоҳ одати бўйича тезда отга миниб йўл солди. У донм шундай қилади. Одатда ҳадялари, эҳсонлари яширин, аммо бунингдек ошкор бўлганларида ҳам ортиқча сўзлашмас, нафси семириб кетишидан хавотирланарди. Отимиз саҳро шамолини кесиб кетяпти-ю, ортимга караб қўяман. Йигит кўлидаги халтачани ушлаб ҳамон бир жойда турар, биздан кўз узмасди. Энди у ғамдан қутулган, оиласининг олдида юзи ёруғ, таъминот

масаласида бировга муҳтожлиги қолмаганди.

Мана Шомдамиз. Келибоқ кўлимиздаги нодир китоблардан бир нечтасини олимларга етказдик. Замонамизда бир нодир асарнинг нархи қизил туядан қиммат. Аммо илм аҳллари ундан олган фойдаси эвазига минг қизил туядан кўпроқ нафни толиби илмларга етказди.

Қиличбозликдан биров машқ қилдик. Сўнгра уйга кириб, ишга машғул бўлдик. Абдуллоҳ ёдлаган Ҳадиси шарифларни такрор қилишга киришди. Хуфтондан сўнг биров мизғиб олди. Таҳажжуд вақтидан илгари юзида табассум билан уйғонди, аммо сабабини айтмади. Табиийки, биз ҳам сўрамадик. Таҳорат олиб, бомдодгача намоз ўқиди. Одатда кечалари ухламасди, йўл машаққати чарчатибди шекилли биров дам олди. Намоздан сўнг, толиби илмларга дарс ўтди. Пешинга яқин, ҳовлига биз кеча саҳрода учратган киши шошиб келди. Кийимлари чанг, ҳатто киприкларида ҳам ғубор бор. Келибоқ Абдуллоҳни сўради. Унинг юз-кўлларини ювишига сув бердик. Ўтиришга таклиф қилиб, олдига дастурхон ёздик. У бўлса, нукул дўстимни сўрарди. Бир муддат ўтиб, Абдуллоҳ чиқиб келди. Йигит ўрнидан сапчиб

туриб Салом берди ва гапира кетди.

– Сизларни кўп қидирдим. Ахийри бир кишига кечаги воқеаларни айтгандим. Бундай жўмардлик фақат Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларининг кўлидан келади деди. Одамлардан суриштириб, уйингизни топдим. Сизга кечаги пулингизни қайтармоқчиман.

Уни жим эшитган Абдуллоҳ табассум билан кутилмаган савол берди:

– Сен, ҳойнаҳой, шу кеч тунда кўрган тушинг сабабидан келгандирсан?

– Ҳа, ҳазрат, сиз қаёқдан билдингиз, – деди хайратини яширолмай. Дўстим яна жўмардлик қилди.

– Ўғлим, сен кўрган тушни мен ҳам кўрдим. Гувоҳлар ҳузурида айтаманки, ўша от ҳам, кўлингдаги пуллар ҳам сенга ҳадя бўлсин. Кейин, ўз хонасига кириб кетди.

Биз нима бўлаётганини англамадик. Шунда йигит йиғлаб юборди ва тушини баён қилди.

– Тушимда Маҳшар майдонини, қиёмат кунини кўрдим. Бир жойда катта боғлар,

қасрлар бор эди. Унинг ичида эса ўзимнинг отим олтин, маржонлар билан безатилганди. Бир фаришта “Ким бу отга минса, унга хушxabар бўлсин”, деб айтарди. Бориб, отга минмоқчи бўлдим, аммо рухсат берилмади. Фаришта “Сен унинг ўлигига сабр қилмаганинг учун, энди у сеники эмас. Қара, юганига нима ёзилган?” деди. Қарасам, у ерда “Бу Абдуллох ибн Муборакнинг отидир”, деб ёзилган экан. Отим ўлгандаги надоматимдан минг чандон ғамда уйғондим. Намозни ўқиб бўлиб, сизларни қидира бошладим. Ниҳоят топдим. Аммо ҳазрат мени яна лол қолдирди. Ҳам пулимни ўзимда қолдирди, ҳам кўрган тушимдаги яхшиликларни менга бахшида қилди. Такрор ғамдан қутқарди. АЛЛОҲим сизга ҳеч ғам кўрсатмасин. Бизга қилган муомалангизнинг эвазига, лутф айлаб, даражангизни кўтарсин.

У қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Мен бўлсам, юз берган воқеаларни тафаккур қилиб, азбаройи ўйга толганим ва шундай инсонни АЛЛОҲим умматга мукофот қилиб бергани учун севинганимдан бир жойда анча қолиб кетибман. Ўзимга келганимда Абдуллох камондан ўқ узаётган, ҳар отгани аниқ нишонга

тегаётган экан. Ҳамон бардам, ҳамон ёйни кулоқларидан ўтказиб тортади. Ваҳоланки, кўп аскарлар, жангчилар унингдек ёйни қаттиқ тортолмас, унингдек узоққа отолмасди. Энг муҳими, нишонни унингдек аниқ уролмасди. Дўстим ҳар соҳада олдинда, ҳар ишда пешқадам эди. АЛЛОҲимга, суюкли Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМга ва ҳазрати саҳобаларимиз Р.з.га муҳаббати сабаб шундай даражаларга етишганди у.

МАРВДАГИ УЧРАШУВ

Яқиндагина Шомдаги сафаримиздан ва бир ғазотдан қайтдик. Жанг вақтида ҳам илмдан тўхтамаган Абдуллоҳни жангчилар душман билан қаршилашиб, қилган жасоратларини кўрди, аммо юзи ёпиклиги учун танимади. Неча душманни ер тишлатган ўғлон билан уларнинг танишиш истаклари кучли бўлди. Ғалабадан сўнг, тезда ортга қайтдик. Унинг қаҳрамонликлари вафотидан сўнг эълон қилинади. Ўзи тириклигида буни ҳеч истамасди. Ҳа, майли, бу ҳақда яна сўзлаб бераман. Ҳозир ота юртимиз Марвдамиз. Бу ерда катта-катта

илм даргоҳлари очилган ва минглаб олимлар етишиб чикмоқда. Шунинг учун у ердаги толиби илмлар билан учрашиш ва суҳбат куриш биз учун завқли эди.

Бу сафар бизни бир жойга учрашувга чақиришди. Бордик. Жуда кўп одам тўпланган. Таклиф килувчи сўз бошлади.

– Хабарларингиз бор: бугун дарсимизга Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари ташриф буюрди. Илм тарқатиш учун толиби илмларнинг олдига рад этмасдан доим келади ва дарс ўтиб, билим улашади. Бугун у кишининг яқинда сафардан келгани ва бу ерда қиладиган ишларининг кўплиги сабаб, савол-жавоб шаклида суҳбат ташкил этишни мақсад қилдик. Саволи борлар бир тарафга ўтса ва навбати билан ёши улуғлар бошласа. Шу тариқа гўзал саволлар ва мақбул жавоблар бошланди.

– Олимлар ва толиби илмларда яхши кўрган нарсангиз нима?

– Одоб.

– Сизнингча одоб нима?

– Инсоннинг ўзини таниши ва ҳаддини билишидир.

– Банда АЛЛОҲ Таъолонинг ризосига нима сабабдан етолмайди?

– Азаматим, яхши савол. Энди тушунтирай. Мустахабларга эътибор бермайдиганлар суннатларни бажаролмайди. Чунки суннати санияда гўзал хулқ, ота-она ризоси, етим хақи, кўшни хақи, бировнинг хақи, илм олиш ва яна миллионлаб фойдалар, ишлар бор. Суннатларга эътибор бермаган, фарзларни бажаролмайди. Фарзларга эътибор бермаган, маърифатга етолмайди, маърифатсиз эса АЛЛОҲ Таъолонинг ризосига етолмайди.

– Инсоннинг катта душманлари нималар?

– Нафс, шайтон ва мунофиқлик. Инсон шу уч душман билан доимий рўбарў келади. Ҳар куни ё қарши курашади ёки таслим бўлади. Улардан кутулиш анча мушкул, аммо курашдан тўхтамаган комиллик сари бораверади.

– Пулни қаерга сармоя қилиш керак?

– Аввало, ўзингизга, яъни илм олишга. Кўпчилик ўзи юксалмасдан, юксакларга сармоя киритишни ўйлайди. Аслида пулини назорат қилолмасдан, илмсизлиги оқибатида кўзлаган натижага етолмайди. Ёки тожирликка қизиқади,

аммо тил ўрганмайди ёки устоз тутмайди. Оқибат яна ютқазади. Аввало, пулингизни ўзингизни ривожлантиришга сарфланг, агар АЛЛОҲим барака бериб турган тижоратинингиз бўлса, унга сармоя киритинг, ривожлантиринг. Инша АЛЛОҲ, муваффақият сизни узоқ куттирмайди.

– Ҳар жиҳатдан кучли бўлиш учун нима қилиш керак?

– Аввало, нақл қилинган Ҳадиси шарифда келган ҳикматни англаш керак. **Маъноси: икки кунни бир хил ўтган мўминда яхшилик бўлмайди.** Сиз ҳам эртангиз бугунгидан илмга, тажрибага, муваффақиятга тўлароқ бўлишига, доимий ривожланиб, тўхтаб қолмасликка интилинг. Ундан ташқари ҳар жиҳатдан кучлиларнинг одатларига қизиқинг ва уларни ўзлаштиринг. Ислом динида етишган, ҳавас қилишга арзигулик буюкларимиз саноксиз даражада кўп.

– Ҳалол меҳнат ҳақида фикрингизни айтсангиз.

– Ҳалол меҳнат қилиб, заҳмат чекмаган кишида яхшилик бўлмайди. Чунки у

бошқаларнинг меҳнати эвазига яшайди ёки ўғирлик қилади. Шунинг учун ақлни ишлатиб, ҳалол ишлаган инсонда кўп хайр бор. Ундайлардан олимлар, тожирлар ва ихтирочилар кўп чиқади. Жилла курса, ўз оилаларини яхши таъминлайди. Бировларга муҳтож қилмайди. Шу ерда яна бир муҳим гапни айтиб кетай. Қалбингизга жойлаб олинг. **Оиласини таъминлаб, уларни салоҳда ушлаб туриш ва иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш ғазотдан афзалдир.** Келажак авлод ҳам, аввало, оиласини бировга муҳтож қилмаса, уларни таъминласа, душманлар ҳеч қанақасига жамиятни бузолмайди. Динга зарар етмайди. Бошқа диндагиларнинг даъватлари ва даҳрийларнинг алдовига учмайди. Давлат кучли, халқ фаровон бўлади. Оила таъминоти шунинг учун ўта муҳим.

– Илмли одамнинг ёқимсиз иши нима?

– Беодоблик ва илмли бўлишига қарамай, жинниликлар қилиши. Мабодо шундай одам ноқобил ишларга ўралашиб, илмни уёқдан-буёққа айлантириб, жиннилик қилса, уч ишдан бири у билан содир бўлади. Аввало, вафот этади ва илми кетади, ё илмини унутади ёки уни

унуттирадиганлар билан дўстлашиб, бор билимидан айрилади.

– Инсонга берилган гўзал неъматлардан айтсангиз.

– Аввало, туғма ақл, агар у бўлмаса, гўзал одоб, у ҳам бўлмаса, шафқатли ва меҳрибон қариндош, у ҳам бўлмаса, доимий сукут, агарда у ҳам бўлмаса, шу банданинг ўлгани яхши.

– Оддий бир инсон қанча илм олиши керак?

– Ҳаётига кераклисини ва иши тушадиганини олмоғи етарли.

– Гўзал хулқни бир жумлада ифода эта оласизми?

– Ғазабланманг. Бу жавоб меники эмас, Ҳадиси шарифда бор.

– Тижорат билан қачон шуғулланишни бошлаш керак?

– Жуда қизиқ ва айна дамда тўлдирилиши лозим савол. Аввало, тижорат билан ҳар қачон шуғулланиш лозим. Аммо уни қачон йўлга қўйиш зарур, деган савол берсангиз гўзал бўларди. Устозим Имоми Аъзам Р.з ҳазратлари

айтганларидек, аввало, болаликда чуқур илм олиш, ҳунар ўрганиш, сўнгра тижоратни йўлга қўйиш лозим. Уйланиб, фарзанд орттиргунча йўлга қўйилмаган ишлар чала қолиши мумкин. Шунда илмдан қолмаган ва оила ташвишига ўралашиб, қийинчиликка тушмаган бўласиз.

– Жамиятда нимадан қўрқасиз?

– Қўрқадиган иллатлар кўп, аммо бугун айтадиганим шу: буюкларимиз, улуғларимизнинг ҳурматини қилмайдиган ва кичикларимизнинг иззатини билмайдиганлар кўпайиб кетиб, умматнинг бошига кўп ғавғолар солишидан ва жамиятда катта бўлиниш бўлиб, ишлари тортишув бўлиб қолишидан қўрқаман.

Буни бироз очиклай. Ҳазрати саҳобалар Р.знинг бирини яхши кўриб бирини ёмон кўрса, гапирганда беҳурматлик қилиб фақат исмини айтиб сўзласа. Биздан кейингилар ўзларидан аввалги буюкларга, мазҳаббошиларга ўзларини тенглаштирса, шунча ғайрат қилган олимларимизнинг илмини қўйиб, ўзларича янги йўл очса, ҳатто олимларимизни илмсизликда айбласа, ўзидан кичикларни эзса, уларнинг ўсишига, ўз ўрнини топишига тўсқинлик қилса, ёш болаларга меҳрибон бўлмаса, ундай жамият

кулайди. Душманнинг тасарруфига ўтиб, ёғий бир гала мана шундай ақлсизларга “ақл” бўлади. Улар ўзимиз фикрляпмиз, деб ўйлайди, аммо бошқарилаётган бўлади. Оддий халқ эса ҳақиқатдан беҳабар, кимнинг тарафига ўтишни билмай қолади.

Шу гапдан кейин бошқа савол берилмади. Ҳамма жим бўлиб, айтилганлар ҳақида ўйларди. Биз улар билан тезда хайрлашиб, уйимизга қайтдик. Йўл бўйи келажак авлоднинг, кўзи очиқ бўлиб, ақлини ишлатадиган бўлиши ҳақида ҳаёл қилдим. Улар бир дам тинч турмайдиган душманларнинг дастидан қийналиб қолмасайди...

БИР ЙИГИТ ҚИССАСИ

Яна Ҳаж мавсуми келиб, йўлга чикдик. Йўлда бир йигитга кўзимиз тушди. Навқирон, кийинчилик кўрмай улғайгани билиниб турарди. У билан сўзлашмадик. Отини елдириб биздан илгарилаб кетди...

Маккаи муқаррама билан Мадинаи мунаввара ҳақиқатда АЛЛОҲим барака берган

муборак жойлар. Тупроғи ёқимли, ялангоёқ босганингизда лаззати миянгизга уради. Хурمولари бошқа ўлкаларда ўсмайди, ўсса ҳам улардек ширин бўлмайди. Ҳавоси танга ором беради. Айниқса, рухни енгил қиладиган, онгимизни тозалаб, танимизга қувват бўладиган мухити ҳеч қаерда топилмайди. У лаззатни бошқа ердан тотолмайсиз. Баракали муҳит деса, кўз олдимизга нукул шу табаррук жойлар келаверади.

Айниқса, тавофдаги кўнгил юксалиши ва аҳдни янгилагандаги ҳам масъулият, ҳам енгилликни ўзингиз ҳис қилмасангиз, тушунтириш мушкул.

... Кабаи муаззамадан тавоф қилиб чиққанимизда яна у йигитни кўрдик. Бу сафар ранглари сарғайган, юзларида кўрқув аломати сезилиб турарди. Кўзларида эса бошқача маъно бор, худди излаганини топган одамдек эди. Қизиқиб Абдуллоҳ унга савол берди:

– Сени йўлда учратганимизда рангинг қизил, от устида қадинг тик ва бошқача эдинг. Бугун кўряпманки, юзларинг сарғайган, кўзинг ёшли ва аҳволинг ўзгарган.

– Қалбга яқин ва кўнгил табибига ўхшайсиз, – дея кўз ёшини тўхтатолмай сўзлай бошлади йигит. – Сизни йўлда кўрганимдаёқ бошқачалигингизни сезгандим. Ҳозир суҳбатлашаётиб, минг йиллик қадрдонимдек ҳис қиляпман сизни. Йўлда учрашганимизда мусулмон эмасдим. Аммо ҳақиқат излаган йўлчи эдим. Ҳаж мавсуми бўлгани учун бир Кабаи муаззамага бориб кўрмоқчи, шунча инсонларнинг ибодати моҳиятини англамоқчи бўлдим. Маккаи мукаррама чегарасига бориб, Кабаи муаззама томон қадам босаётганимда хотифдан (ғойибдан) бир овоз келди. “Дўст уйига душман кўнглинг билан кирасанми?”. Танимдаги ҳар аъзойим қалтираб кетди. Овоз ҳам ёқимли, ҳам умидли, ҳам ҳайбатли эди. Кабаи муаззамага киролмай туриб қолдим. Сиз билан кўришганим яхши бўлди. Менга нима қилиш кераклигини ўргатинг, сизлардек бахтли бўлиб, дўст уйига киришни истайман.

У йиғлар, ичкарига киришни истарди. Кейин Абдуллоҳдан Ислом шартларини ўрганиб, тезда имон келтирди ва хушнудлигидан югуриб тавофга кетди.

Бу ҳол бизни қаттиқ таъсирлантирди.

Мусулмонлардан қилиб яратганига АЛЛОҲимга беадад шукрлар қилдик.

СЕВИНДИМ

Бу воқеадан сўнг янада ибодатларга ғайрат қилдик. Шундай мавсумда бир лаҳза ҳам беҳуда вақт сарфламасликка интилардик. Яна бир қизиқ воқеа бўлди...

Дарвоқе, ҳар доимгидек неча ҳожиларни ўзимизга йўлдош қилган ва уларнинг бориш-келиш харажатлари ва совғалари учун пуллар бергандик. Бу Абдуллоҳнинг узоқ йиллик одати эди.

Мана йиллар ўтиб, илм учун, тижорат учун қилинган сафарлар, жанг учун қилич яланғочлаб, от елдирган дамларнинг асари кексайгач, юзимизда билинмоқда. Бу вақтга келиб бутун халқ Абдуллоҳни қаерда кўрса, тўпланишар, унинг илм мажлисида ўтириш учун орзуманд бўлишарди. У бўлса, шуҳрат ўз домига тортиб кетмасин, дея ҳар борган жойида ўзини ошкор қилмас, кишиларга билдирмас, ниҳоятда сокинлик билан мўлжаллаган

ишларимизни битириб қайтардик.

Мана айна дамда Маккаи мукаррамадамиз. Ҳожилар билан биргаликда ибодат арконларини бажариб, иложи борица ўзимизни ошкор қилмасликка интилдик. Шу лаҳзаларда, Замзам сувини ичишга навбат турган инсонларнинг олдига бориб биз ҳам кўшилдик.

Муборак Замзам сувини жойидан ичишнинг лаззати, ҳаётбахш қуввати ҳақида уни ичганлар биледи. Бу неъмат ҳам сув, ҳам таом ўрнига ўтадиган АЛЛОҲимнинг мўъжизаси ва биз, мусулмонларга икромидир.

Айтганча, айтаётган воқеани келтириб ўтиш ёдимдан чикмасин. Хуллас, биз ҳам навбатга кўшилдик. О, дўстим Абдуллох, туртиниб, суртиниб, йикилиб одамлар билан баробар муборак сувга келди. Чанкоғини кондиргач, бир чеккага ўтди. Уст-бошлари чанг, саллалари бузилган, юзларигача ғубор бўлган ҳолда, кўзлари кулар, табассуми зиёда эди.

– Дўстим, – дея унинг саллаларини тўғриларканман савол бердим. – Нима учун бунча хурсандсан? Ваҳолангки, навбатинг келгунча не машаққат чекдинг. Сенинг сув

ичишга келаётганингни одамларга бир оғиз айтганимизда, улар ҳурмат юзасидан йўл беришар, бунча қийналмасдан осонгина Замзамга етардинг.

– Э, дўстим, менга бок, энди одамларга назар сол. Улар ҳам машаққат чекиб, навбатда турибди. Бу инсонларнинг мени танимасдан, хатто турткилаб сув томон одимлагани қанчалик чиройли кўринди. Севиндим. Шухратсиз бир лаҳза бўлди. Мен ҳам уларни танимайман, улар ҳам каминани танимайди. Қара, гўзал хол. Энди сен айтгандек, аввалдан хабар қилиб келсайдик бу сурурни тотмасдим. Инсонлар ҳам ийманганидан эркин чанқоғини кондиролмасди.

Биласанми, мен нима ниятда Замзам сувини ичаман?

– Билмадим, дедим елка кишиб.

– **Мен муборак Замзам сувини қиёмат кунини чанқамаслик ниятида ичаман.**

Кейин гап тугади дегандек кийимларини қоқишга тушди.

Абдуллоҳ ибн Муборак ростдан ҳам буюкликнинг тирик намунаси. Мактовдан

кўрқиб яшайдиган, соғлом ниятли, шуҳрат домига тушмаган инсон. Агар устозимиз Имоми Аъзам Р.з. хазратлари вафот этмаган ва ёнимизда бўлса эди, унинг яшаган ҳаёт йўлини маъқуллар, ишларидан севинач ва елкасига қоқиб, дуо қиларди.

Мадинаи мунавварада зиёратлар қилганимизда ҳам унинг ҳаёт йўлини ўйладим. Агар уни тарихдан олиб ташласа, йиллар силсиласида катта бир ўйиқ пайдо бўларди. Унинг тожирлик фаолияти дунёнинг салкам ярим асрлик палласини хайрга тўлдирган ахир. Илм тарқатишдаги ғайрати эса қиёматгача илм толиблари ва халқнинг содда ҳаётига маъно бериб, зўр илҳом бағишлайди. Илмда ҳам, тижоратда ҳам, жанглarda ҳам ҳақиқий шижоатли, жўмард ва тилларда дoston қахрамон у.

Мана шундай сифатларни ўзида жамлаган инсон, бугун кексалик остонасида турибди. Дунё мард бир ўғлонидан айрилар бўлиб қолган.

Ҳар сафар ўйларим шу ерга етганда сесканиб кетаман. Унинг дунёни тўлдириб ёнимизда юришига ўрганиб қолганмиз. Усиз бу

хаётда ҳафсала билан одимлашимизга кўпам ишонмайман. Ўзимни бунча сикмасдан хайрли ишларга кўпроқ бош кўшай, камида яхшиликларни ёйувчи Абдуллоҳга кўмакчи бўлай.

УМРИНГИЗДАН БИР КУН ҚОЛГАНДА

Муборак Ҳаж сафаридан қайтгач, бутун йилни сарҳисоб қилдик. Қанча илм олганимиз, қанча китоб ёзганимиз, нечта жангда қатнашганимиз, қанча илм тарқатганимиз, тижоратдан кўрган фойдалар ва улардан эҳсон, ҳадя учун ажратганларимизни кўриб чиқдик. Ўтган йилгига ўхшамабди умримиз. Келаси йил бу йилимизга ўхшамайди, ИНШААЛЛОҲ.

Келиб, яқинларимизни уйга чакириб, меҳмон қилганимиздан сўнг, Абдуллоҳ яна мажлис қуриб дарсга киришди. Қуръони Карим Тафсиридан илм ўргатар, Ҳадиси шарифлардан ривоятлар қилар, фикҳдан илм улашарди.

Бугунги дарс тугаб, навбат савол-жавобларга ўтди. Кўпчилик мақбул жавобларни олди. Аммо бир гўзал саволнинг гўзал жавоби ҳаммамизга хуш келди ва бизларни шоширди.

Кўпчиликнинг ҳеч ўйламагани бир жавоб эди у.

– Ҳазрат, – дея устидаги ридосини тўғрилаб мурожаат қилди йиғилганлардан бири. – Агар сизга хабар келсаки, умрингдан бир кун қолди, дея, сиз шу бир кун нима қилган бўлардингиз?

– Барака топинг, – деди Абдуллоҳ жавоб беришга оғиз жуфтларкан. – Агар ҳаётимдан бир кун қолгани билдирилса, нима қилган бўлардим? Жавобдан олдин сизларга шу саволни берай, камида беш киши ўз фикрини билдирсин. Ундан сўнг биз айтсак.

Йиғилганлар бирин-кетин жавоб бера бошлади.

– Мен фақат намоз ўқирдим.

– Мен ҳаммадан розилик олиб чиқардим.

– Васият қилиб қолардим.

– Кўпроқ эҳсон қилардим.

– Кимсага бир сўз демай, АЛЛОҲимни зикр этардим.

– Жавобларингиз гўзал, – дея маъқуллаб сўзида давом этди дўстим. – Аммо намоз ўқиш

Ўзингиз учун, розилик тилаш яна ўз
фойдангизга, васият вазифангиз, эҳсон,
табийки, бир сизга фойдали, зикр зотан
ишимиз. Аммо мен шу бир куним қолганини
билсам, одамларга яхшиликлар қилиш ва
хайрли ишларни ўргатардим.

Бизнинг шу бугунги етишган илмларимиз,
эришган ютуқларимизда устозларимизнинг,
ҳазрати саҳобаларимиз Р.з.нинг ҳиссалари
ҳисобсиздир.

Одамларга ўргатган яхшиликлар ва
хайрлардан олган савобларида менинг ҳам
улушим бўлади шунда. Уларга намоз ўргатсам,
рўза тутишдан таълим берсам, илмнинг
моҳиятини англатсам, зикрнинг фойдаларини
тушунтирсам, тижоратнинг ҳам гўзал ибодат
эканини билдирсам ва у орқали ўзгаларга
муҳтож бўлмасдан, шараф билан яшашлари
мумкинлигини қалбларига жойласам, тафаккур
кенгликларига хайрлар, яхшиликларнинг
уруғларини қадасам, вафотимдан кейин ҳам
уларнинг ҳар қадамида таъсири ва ҳаётларида
менинг ҳам ҳаётим бўлади. Ўша бир кунни мен
уммат учун сарфлардим. Чунки ўзим учун
қилган ишларим ёлғиз менинг ривожим,

кўпчилик учун ҳаракатим умматнинг салоҳи учун бўлади.

Унинг жавоби бизни лол қолдирди, ҳатто чуқур ўйга чўмдирди. Йиғилганлар раҳмат айтиб, хайралашиб кетаркан, бир-бирлари билан одатдагидек сўзлашиб эмас, бошларини қуйи солганча эшитганларини таҳлил қилиб кетаётгани шундай кўриниб турарди. Камина бўлса, Абдуллоҳнинг ҳар куни берган жавобига мос ўтаётгани ҳақида ўйлардим.

Унинг бирор куни йўқки, бошқаларга илм улашмаган, хайрлар ва яхшиликлардан таълим бермаган бўлсин. Ҳар куни инсонларга ўзларига керак бўлган билимлар ва тижоратдан, қилич тутиб, камон отиб, юрт ҳимояси, мусулмонларнинг саломатлиги учун ғайрат қилишдан сабоқ беради. Унинг ҳар куни жавобига айнаи мос. Ҳатто васиятлари аллақачон тайёр, кимсанинг дилини оғритмаган, кунига неча юз ракат намози, минглаб дирҳам эҳсон ҳадялари бор. Давомли сукути ва зикри гўзал фазилати. Ва яна бундан бошқа яхши одатлари борки, уларнинг ҳаммаси унинг гўзал хулқидан эди. Зотан, гўзал хулқ банданинг яхши сармоясини, дунёю охиратда ютукка эришиш,

яхшилик қозониш имконидир. Абдуллох бунингдек зўр имкониятни ҳеч қўлдан чиқармади.

Бу галги дарси ҳам ҳикматларга тўла, ибратли ва инсонларнинг қалбида ҳар эслаганда хаяжонли, сурурли бўлди. Шунинг учун ҳам одамлар унинг суҳбатларига ошиқ, узок кўришмаса, сўзларига мушток, унингдек бўлишга орзуманд эди. Ҳа, у тақлид қилса арзийдиган, ҳаётини ўрганса, илмга, ибратга тўла, кишилар биргина яхши одатини ўзлаштира ҳам инсонларнинг сардори бўлишга етарди. У муваффақият томон етаклайдиган шахс. Муаззам шахсиятлардан бири.

НИШОПУР БОЗОРИДАГИ ҲОЛАТ

Айни дамда Нишопурдамиз. Бу жойларда ҳаёт қайнаган. Илм даргоҳлари очилган, олимлар кўпайган, мамлакат аввалгидан ҳам ривожланиб, бозор янада кенгайган. Биз ҳам бошқа давлатлардаги сингари бу ерда ҳам тижорий фаолият билан шуғулланамиз.

Бу сафар бозорни ўрганиш учун эрта тонгдан чиқдик. Кун совуқ эди. Устимизга қалин кийимлар кийиб, савдо расталарини кеза бошладик. Одамга нафис гиламлар, шоҳи матолар, газламалар, турфа қаламлар, сифатли қоғозлар, теридан ишланган буюмлар, маҳкам камон ўқлари, пўлат қиличлар, зўр айғир отлар алоҳида завқ беради. Билмадим, китоб дўконида қанча қолиб кетдик? Шундай нодир кўлёмалар борки, баҳоси кизил туядан қиммат.

Бўёқчилар ва бўёқ бозорида ҳам кўп янгиликларни кўрдик. Сифатли бўялган матоларнинг ювилганда ранги чиқиб кетмас, кийимнинг оҳори тўкилмасди. У ердан чиқиб, ҳунармандлар бозорига ўтдик. Бу ерда ғоят моҳирлик ва юксак дид билан ясалган нарсаларни кўриб, кўзлар қувнайди.

Айниқса, ихтирочиларнинг ясаган нарсалари, худди Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Бағдод, Хуросон, Марв ва Мовароуннаҳрдаги ихтирочиларникидек инсонларнинг оғирини енгил қилар, кўп муаммоларни ечарди. Узокроқ ёнадиган шамлар, сув иншоотлари, қудуқ қазиш мосламалари, ер ҳайдашга мўлжалланган янгича

омочлар, отнинг қувватини тежайдиган аравалар, ўт ўришни осонлаштирадиган ўроклар, ёш болаларнинг юришини осонлаштирадиган аравачалар, қурилишда ишлатиладиган янгича ғиштлар, қумга аралаштириладиган ва ғиштнинг мустаҳкам ўрнашишини таъминлайдиган моддалар, дарс ўтишни осонлаштирадиган ёзув тахталари ва бошқалар. Мана, мусулмонлар ҳатто ихтирода ҳам анча олдинда ва доимий изланишда.

У ердан озиқ-овқат растасига ўтдик. Айланиб юрганимизда Абдуллоҳ бирдан тўхтаб қолди. Тезда ўнгга бурилиб, шахдам одимлади. Ортидан юрдим. Нарироқда бир киши усти юпун, совуқдан қалтираб турарди. Қизиш учун юкларни тезроқ тахлар, бир дам тинмасди. Раҳмимиз келди. Дўстим унга мурожаат қилди:

– Ассалому алайкум, устингиз юпун экан, бир бойнинг қўлида хизматкорлигингизни тушундим, аммо нима учун ундан устингизга қалинроқ кийим олиб беришини талаб қилмайсиз. Ҳолингизни билдирмайсиз. Бу аҳволда соғлигингизга путур етади-ку.

Бу саволга жавобан у киши шундай деди:

– Ваалайкум Ассалом, гапингиз тўғри,

аммо хўжайиним менинг аҳволимдан хабардор, кўриб турибди. Мен унга яна нима дей?!

Унинг жавобидан Абдуллоҳ бир оҳ урди. Ўтириб қолди. Сўнг қатъий оҳангда сўзлади:

– Ўзини АЛЛОҲимга топшириб, қаттиқ ғайрат қилишни, ибодатдан, меҳнатдан тўхтамасликни бу қулдан ўрганиш керак экан. Зотан, Роббим аҳволимиздан унинг хўжайини ундан огоҳ бўлганидан ортиқ хабардордир ва меҳрибондир. Худойим Ўзига таваккул қилиб, ишларимизни хавола этиб, илмда, ибодатда, тижорату тирикчиликда бардавом бўлсак, ҳар ғамимизни кетказиб, ҳар дардимизни аритади. Сиз бизга дарс бердингиз.

Унга ҳадялар ёки пул бермоқчи эдик, қабул қилмади. Ишида давом этди. Бир айланиб келгунимизча, унинг устида қалин чопон, оёғида иссиқ маҳси-калиш бор экан.

Карвон учун юкларни тайёрлаб ортга қайтйпмиз-у, шу орада бирор марта сўзлашмасдан, нуқул сукут сақлаб, тафаккур қилибмиз. Намозлардан бўшаган вақтларимиз, зикрдалигимизда ҳам қулнинг жавобини ўйлардик.

ИМОМ ШОФЕЪИЙНИНГ ТОПҚИРЛИГИ

Мана, айна дамда Куфадамиз. Қадрдон жойлар. Устозимиз Имоми Аъзам Р.з. хазратларининг вафотидан сўнг дарсларни Имоми Муҳаммад жаноблари давом эттирди. Абу Юсуф хазратлари эса қози бўлди. Ҳар иккиси шу қадар кучли илмли эдики, дунёда ўхшашлари йўқ. Имоми Муҳаммад хазратлари аллақачон минглаб мужтахид шогирдлар етиштирган. Дунёга машхурлари ичида алоҳида ажралиб турадиган икки киши – Абу Ҳафс ал-Кабир асли бухоролик, у киндик қони томган гўшадан туриб бутун Мовароуннаҳр, Хуросон, Марв, Ҳиндистону Хитойгача илм тарқатяпти, Имоми Шофеъий бугунги кунда Шофеъийлик мазҳабига асос солган, мужтахид олим. Ҳозир бир воқеани эслаб ўтсам.

Имоми Шофеъий Имоми Аъзам Р.з хазратимиз вафот этган йили туғилган. Онасининг кучли ғайрати билан илм олишга киришган. Имоми Муҳаммад хазратларига болалик вақтлари шогирдликка тушганди. У кишидан Қуръони Карим Тафсири, Ҳадиси

шариф шарҳи, ҳазрати саҳобалар Р.з.нинг йўллари, илмларини, араб тили қоидалари ва лаҳчаларини, фикҳни ўрганди. Шу даражада тиришқоқ эдики, қачон Имоми Муҳаммад жанобларини кўришга борсак, дарс ўқиётган, одоб билан хизмат қилаётган, узун сукутли, давомли зикрли ва теран фикрли эди.

У ўн беш ёшларда эди. Халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари ва аёли ўртасида бир масала чиқди.

– Агар мен жаннатий бўлмасам, сен талоқсан, – деб юборибди халифа ҳазратлари. Бу гап етиб келганида, Шофёий шундай деди.

– Бу масалага мен жавоб бера оламан.

Имоми Муҳаммад, Абу Юсуф, Довуд Тоий, Имоми Зуфар ҳазратлари изн берди.

Саройга бордик. Масалага қандай жавоб бериши бизга қизиқ эди. Зотан, устозимиз Имоми Аъзам Р.з. ҳазратларининг катта шогирдларининг жавоблари тайин эди. Аммо Шофёийнинг ечимига қизиқмоқда эдик.

Халифа ҳазратлари тахтига ўтирди. Ҳамма жим. Сўзлашга изн бўлгач, ёш олим ўрнидан турди ва мана бундай гўзал

савол-жавоб, айна дамда мақбул ечим бўлди.

– Султоним, сиз ҳозирги масалада менга ишингиз тушдими ёки менинг сизга ишим тушди?

– Менинг ишим тушди.

– Унда тахтдан тушиб, у ерга каминани ўтказсангиз. Ҳамма ҳайратда қолган, аммо жим кузатарди.

– Маъкул, марҳамат ўтиринг. Халифамиз ҳақиқатда мард ва фаросатли.

– Энди айтингчи, умрингизда ҳеч бирор катта гуноҳни ният қилиб ёки уни қилмоқчи бўлиб, имконингиз бўлатуриб, аммо АЛЛОҲ Таъолодан кўрқиб, уни тарк этганмисиз?

Узоқ сукунатдан сўнг халифа ҳазратлари жавоб берди:

– Йигитлик вақтимда бир қизни яхши кўрардим, унинг ҳам менда кўнгли бор эди. Бир куни уни бир кўчада холи кўрдим. Ёнига бориб, уни хилватга чорладим. У билан бирга бўлмоқчи эдим. Имконим бор ва зино учун ҳаракатга тушдим. Аммо бирдан танимда титроқ туриб, АЛЛОҲимдан кўрқиб, тезда

ортимга қайтдим. Унга тегинмадим.

– Сиз жаннатийсиз.

Ўтирганларнинг кўпи бирдан ўрниларидан туриб кетди. Биз кузатяпмиз. Улар Имоми Шофёийнинг сўзларига шубҳаланишиб, ҳатто қаршилиқ билдиришди. Ҳукм АЛЛОҲ Таъолодан эканини айтиб, уни гуноҳкорликда айблади. Аммо ёш дўстимиз хотиржам шундай деди.

– Мен далилни “Бирор одам АЛЛОҲ Таъолодан кўрқиб, бир гуноҳни тарк қилса, унинг учун фақатгина жаннат жой бўлиши” маъносидаги ояти Каримадан олдим. Халифа ҳазратлари, Худо учун катта гуноҳдан қайтган экан. Масаласи ҳал: аёллари билан ўртага талоқ тушмаган.

Султон севинганидан унга кўп илтифот қилди. Мабодо бирор ёрдам керак бўлса, рад этилмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ортимизга қайтяпмиз-у, Имоми Шофёийнинг Имоми Муҳаммад ҳазратларига муносиб шогирд бўлганидан, закоси худди у кишиникидеклигидан, ҳатто устозимиз Имоми Аъзам Р.з ҳазратларининг хозиржавоблигига

ўхшашлигидан ҳам севинчда, ҳам хайратда эдик.

Айни дамда Имоми Шофеъий ўттиз ёшлар атрофида. Жуда етишган мужтахид олим. Куфага келган экан. Устозидан хабар олиш ва катта устозимиз Имоми Аъзам Р.з. ҳазратимизни зиёрат қилишга келибди. АЛЛОҲим шу инсонга ҳам кўп яхшиликлар берган-да. Унинг машҳур бир эътирофи бор. Қаерга борса, албатта, бир айтиб ўтади.

– Мен Имом Шофеъийман ва камина бу даражага ҳазратимиз Имоми Аъзам Р.з. устозимизнинг катта шогирдлари устозим Имоми Муҳаммад ҳазратлари сабаб етишдим. То қиёматгача келадиган олимлар Имоми Аъзам Р.з. ҳазратимиздан қарздор ва у кишининг оила аъзоларидир. Таъминотни у кишидан олади. Олимман деганнинг буюк устозимиз Имоми Аъзам Р.з. ҳазратларидан адо бўлмас қарзи бўлади. АЛЛОҲим устозимизга юксак даража ва мақомлар ато этсин.

Ҳақиқий мард, эр кишининг эътирофи мана шундай бўлади. Шунинг учун ҳам уни яхши кўрамиз. У билан кўришсак, суҳбатлашсак, жуда хурсанд бўламиз. Абдуллоҳни у ҳам кўп

яхши кўриб, хурмат қилади. Дўстим Ҳадиси шариф ва суннати санияни шарҳлашда устозларидан бири эди. Аҳли илмларнинг дўстлиги мана шундай самимий эди.

Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал эса Имоми Абу Юсуфдан таълим олган, кейин эса Имоми Шофеъийга шогирд тушган ва Абдуллоҳдан етиб келган Ҳадиси шарифларни ёдларди.

Абдуллоҳ жуда бахтли. Имоми Аъзам ва Имоми Молик Р.з.дек буюкларимиздан дарс олди, улар билан суҳбатдош бўлди. Имоми Шофеъийдек ва Имоми Аҳмад ибн Ҳанбалдек буюкларга дарс берди, дўстлик қилди. Шу жиҳатдан тўрт мазҳабнинг жорий бўлишига гувоҳ ва ўзи Ҳанафий фикҳида етишган эди ва устозимиз Имоми Аъзам Р.з. ҳазратларининг масалалардаги ечимларидан фикҳда ҳукм қиларди.

Бу хусусларда гапирсам, алоҳида бир китоб бўлади. Аммо ўқувчини чалғитмасдан яна ўзимизнинг кайноқ ҳаёт майдонимизга тортаман.

Куфадан чикиб, тўғри Шомнинг Ракка шаҳрига йўл олдик.

АБДУЛЛОҲ “АМИР АЛ-МУМИНИН”

Шом сари йўлдамиз. Бу сафар тез ва илдам келолмадик, чунки йўл машаққати энди сезила бошлаган, ёшимиз ҳам олтмишдан ошиб қолган эди.

Ҳали Раққага кирмасимиздан эшитдикки, халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари шу ерга келмоқда экан. Ўзи шуҳратдан қочиб юрадиган дўстим бироз тараддудланди. Аммо кутиб ҳам ўтиролмасдик. Бироз секинлаб юрдик. Барибир бизнинг сафаримиз халифанинг ташрифига тўғри келиб қолди.

Шаҳарга киришимиз билан туманот одамнинг халифа ҳазратларининг йўлига пешвоз чиққанини эшитиб, севиндик. Яхши бўлди, жимгина ўз ишимизга машғул бўламиз. Аммо ниятимизга етолмадик. Ҳали ўрнимиздан кўзғалмасдан, одамлар оёқ иплари узилиб, туртиниб, суртиниб биз тарафга кела бошлади. Ёнимиздагилар бизни бир қадам ҳам юрғазмади. Бирдан султоннинг атрофидаги одамлар ҳам биз томон йўналди ва султонимиз аёнлари билан ўзлари қолди.

Ҳамма Абдуллоҳ билан кўришишга интилар, анчадан буён ўзини қийнаётган бирор саволга жавоб олгиси келарди. Қисқа савол-жавоб бўлди.

– Ҳазрат, ҳалол бойликнинг энг кам фойдасини айтсангиз.

– Ҳалол бойликнинг энг кам фойдаси – вақтингизни тежаб беради. У орқали кўпроқ илм олишга ва етук мусулмон бўлишга эришасиз.

– Таомланишда олтин қоидалардан бирортасини айтсангиз.

– Меъдангизни ортиқча тўлдирманг. Ушбу ҳикматни мингта муборак Ҳадиси шарифни ўрганиб, танлаб олганман.

– Тезроқ олим бўлиш ёки бирор мансаб эгаллаш учун нима қилиш керак?

– Саволингиз изоҳга муҳтож экан. Барака топинг. Ҳазратимиз Алийй Р.з. айтганларидек, **“Чиройли савол илмнинг ярмидир”**. Аввало, ўқимасдан олимлик ёки катталик қилганга устозим Имоми Аъзам Р.з. ҳазратлари ажаблангандек, мен ҳам ажабланаман. Энди жавобга келсак, илм олиш билан олимликка,

мансабга етиш мумкин ва шундай қилинса, кўпчиликка фойдали бўлади. Аммо ўқимасдан отадан ўтиб ақл ўргатадиган кимсалар, чиройли тадбир олишни билмасдан мансабда ўтирадиган кишилар инсониятга фойдадан кўра кўпроқ зарар беради. Дунёда олимликка ҳам, амалдорликка ҳам илмдан кўра нажотлироқ нарса йўқ.

Шу тариқа савол-жавоблар давом этди. Мен сал узоқлашиб, султоннинг аёнлари тарафга ўтдим. Уёқдаги вазиятдан ҳам хабардор бўлгим ва уларнинг ҳолларини ўрганиб, чигал бир ахвол келиб чиқмаслиги учун тадбир олгим келганди. Бошқа бир аравадан сас келди. Унга жавобан ташқаридагилар изоҳ берди.

— Инсонлар нима учун бир зумда султонимизни ташлаб бошқа ёққа кетди?

— Раққага Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари келибди. Одамлар ҳаммаси у кишининг истиқболига кетди. Бизнинг ҳам у кишини кўриш иштиёқимиз бор-у, султонимизнинг изнисиз боролмаймиз-да. Бебаҳо олим, буюк жангчи ва тенгсиз тижоратчилардан у киши. Византиянинг Тарсус,

Мисис деган юртларида жангда кундузлари не-не қахрамонликлар кўрсатган, кечалари қанча инсонга илм ўргатган, тонггача дарс берганди.

– Анчадан буён эшитиб юрганимиз, ҳавас қилганимиз инсон шундай қаршимизда эканда. Агар бу ерда “Амир ал-Мўминин” бўладиган бўлса, у Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари экан. Султонимиз қуввати ва сарвати билан халқни тўплаган эди, у киши эса илми, ғайрати, тожирлиги ва тилларда дoston қахрамонликлари билан одамлар қалбини овлаган экан. Чақирмаса ҳам шунча инсон у кишининг атрофида, ҳақиқатда у “Амир ал-мўминин” экан.

Султон сўзловчининг гапини бўлмади. Эътироз ҳам билдирмади. Тўпланганлар бунга гувоҳ бўлди. Шу кундан рутбалари орасида Ҳадиси шарифни ривоят қилишда Мўминларнинг амири бўлган дўстимнинг инсонларга нисбатан қўлланадиган “Амир ал-Мўминин” деган унвони ҳам пайдо бўлди.

Султон ҳам дўстим билан кўришди. Кўп суҳбат қилди. Чунки халифа ҳазратлари салтанатга бош бўлганидан буён Абдуллоҳ ибн Муборак жанг чорловларига “лаббай” деб

жавоб берган ва мусулмонлар тинчлиги учун жонини аямаган. Бирор мансаб олмаган ва гўзал рад этиш баробарида, султонга бирор марта бош кўтармаган, қарорларини номаъкул демаган. Султонимиз ҳам муносиб подшоҳ эди. Давлат ва тожирлар орасидаги деворни олиб ташлаб, кўприк қурган, халқ фаровонлиги учун катта ишлар қиларди.

Султонимизнинг ҳузуридан чиққач, уйга келдик. Мен бироз тин олдим. Аммо Абдуллоҳ жим ўтиролмади. Қоғоз-қалам олиб, китоб ёзди. Орада бирга сузишга бордик. Дарёнинг муздай сувида анча машқ қилдик. Шу ёшида ҳам навқирон йигитлардан тез сузар, инсонлар “Сув остида энди сув ютиб, вафот этди”, дея гумонга борадиган даражада узоқ қоларди. Умри мобайнида сузиш, отда юриш, камондан ўк узиш ва қиличбозликни ҳеч тарк этмади. Камонни кулоғининг юмшоғидан ўтқазиб тортар, энг узоқ отадиган аскардан-да олисга ўк узиб, от устида кетаётган душманни кулатарди. Машқдан сўнг отни қамчилаб, намозга шошилдик.

Асрдан сўнг енгил таомланиб, ҳисоб-китобга киришдик. Ҳар йили юз минг диноргача

(салкам беш юз кило олтин) эҳсон қилардик. Охирги йиллар ундан ҳам ортиб кетди. Бу галги Содиқнинг ҳисоботида ҳали йил охирламасдан олим, толиби илм, фақир, қарздорларнинг қарзини тўлашга ажратилган пуллар ҳар йилникидан ошиб кетганди. АЛЛОҲим ҳам баракани кўпайтирган, фойдамиз ҳам бир неча баробар ортганди. Олтинларнинг зиёдалиги Абдуллоҳнинг янги жойларга пул ажратишига ва эҳсонни кўпайтиришига туртки берди. Ҳисобчи керакли тангаларни айтилган ерларга жўнатиб, яна ўз ишига машғул бўлди.

АЛЛОҲим Абдуллоҳнинг қўлига бойлик тутқазган, аммо қалбига унинг муҳаббатини киритмаган эди. Чунки ҳар бир ҳаракати буни исбот қилар, хасисликнинг энг кичик белгисидан ҳам минглаб чақирим узоқда эди. Сахийликда тараддудланмас, хайр-эҳсонда биринчилардан бўларди.

Султонимизнинг атрофидагилар ва ўзи ҳам Абдуллоҳнинг “Амир ал-Мўминин” деб эътироф этилишига ҳеч иккиланмай рози бўлиши ва уни кўп ҳурматлашининг мингларча сабаблари бор эди.

Нима бўлганда ҳам мен хурсанд эдим. Ахир халқнинг бугунги ҳаракати камида бир кўнгилсизлик чиқарар ёки бирор фитнага эшик очарди. Аммо АЛЛОҲимнинг фазли ва марҳамати билан ишлар хайрли томон бурилди. Шунинг учун доимгидек намоз, илм, тижорат ва машғулотларда бардавом бўлиб, кўнглимиз хотиржам эди.

Ҳа, халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари халқнинг султони, Абдуллоҳ ибн Муборак эса кўнгиллар султони эди.

ИЛТИМОС, ДАРС ЎТИБ КЕТИНГ

Шомдалигимизни эшитганлар эртаси куни уйимизга келди. Билсак, олимлар ва толиби илмларнинг вакиллари экан. Уларнинг ораларидан ёши улуғроғи Салом бериб, келиш сабабини очиқлади.

– Ҳазрат, сизнинг тез орада бу ердан кетишингизни эшитиб, дарс олиш истагимиз кучлилигидан келдик. Ўзи кўпчиликмиз, агар фурсатингиз бўлса, илм улашсангиз, илтимос.

Хўп десангиз, қолганларни ҳам чақирардик.

Табиийки, дўстим илм улашишдан ҳеч воз кечмас, албатта, бунинг учун имкон топарди. Уларнинг келишига рухсат берилди. Бир пасда туманот одам йиғилди. Ҳар доимгидек орқадагилар ҳам эшитишлари учун орадан бир неча йўлаклар очилиб, Абдуллоҳ сўзлашдан тўхтаганда ёдлаб, ёзиб олганлар орқадагиларга етказар, ҳамма хабардор бўлгач, яна суҳбат давом этарди.

Абдуллоҳнинг етти юз мингдан зиёд Ҳадиси шарифни ёд билишидан, илмда “Амир ал-Мўминин” лигидан хабардор инсонлар суҳбат сўнгида биттагина Ҳадиси шариф ривоят қилишни илтимос қилди. Дўстим чўк тушиб яхшилаб ўтириб олгач, одоб билан сўзлай бошлади:

– Ҳазратимиз Ибн Аббос Р.з.дан нақл қилинган Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ: “Кимни одамларнинг кучлиси бўлиш хурсанд қилса, АЛЛОҲ Таъолога таваккул қилсин, кимни одамлар ичида тақводор бўлиш хурсанд қилса, АЛЛОҲ Таъолонинг буюрган ишларини

қилиб, қайтарганларидан қайтсин, кимни одамларнинг бойроғи бўлиш хурсанд қилса, АЛЛОҲ Таъолонинг хузуридаги нарсага бўлган ишончи қўлидаги нарсага бўлган ишончидан кучлироқ бўлсин”, – деганлар.

Таваккулни тушунасиз. Чунки кўпчилик илм оляпти, ғайрат қилиб меҳнат қияпти, жанг санъатига ўзи ва фарзандлари қатнашяпти ё тижорат ёки бошқа бир касб билан машғул, ҳамма сабабларни қилиб, ишларини АЛЛОҲимга топширяпти, таваккул қияпти. Ҳеч ким бекорчи эмас. Дунё мусулмонлари кўлдан келганча АЛЛОҲ Таъоло буюрган ишларни қилиб, қайтарган ишлардан ўзларини тиймоқда. Аммо шу ерда биз кўп кузатган бир ҳолни сизларга баён қилай. Дунёда инсонлар ўз қўлларидаги нарсаларга ишониб, катта кетади, оқибат зарар кўради. Тижорат билан шуғалланинг, ҳалол йўл билан бойлик орттиринг, дунёнинг давлатманд инсонига айланинг, аммо ҳар доим ёдингизда бўлсин: АЛЛОҲимнинг даргоҳидаги ҳазиналар тўплаганингиздан кўп ва қўлингиздагидан кўра унга кўпроқ ишонинг, шунда шарафли бойлардан бўласиз. Солих, сахий бой бўлиб,

Ўзингиздан кейин келадиганларнинг ҳаётларини енгиллаштирасиз. Инсонларга фойдангиз тегиб, калбларда дуо билан эсланадиган бўласиз.

Йиғилганлар мамнун ҳолда тарқалди. Биз эса сафарга ҳозирлик кўра бошладик. Чунки тез орада тожирлар ва савдога қизиққан, эндигина тижоратнинг долғали майдонида от суришни бошлаган ёшлар билан йиғилиш бор.

ИМКОНИЯТЛАРНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ !

Йиғилиш бошланай деб турганда етиб бордик. У ердагилар интизорлик билан Абдуллоҳни кутиб турган экан. Ортиқча расм-русумларсиз, тезда суҳбат бошланди. Ҳамма ўз ишлари, ҳосил қилган кўникмалари, ютуқлари ва камчиликлари ҳақида гапирди.

– Камина бир неча бор сармоя киритиб, зарар қилдим, – дея куйиниб сўзлади йиғилганлардан бири. – Ҳар сафар янги тижоратга пул киритдим, аммо кутганимдек фойда бўлмади. Ҳатто зарар кўрдим. Сабабини

билолмаяпман. Шериклар ҳам яхши ишлади, аммо мен ишга вақт ажратолмадим, бозорни таҳлил қилолмадим. Ишларим кўплигидан, ўз савдо дўконимдаги ҳисоб-китоблар сабаб, кутилгандек фойда бўлмагани ёки кўрилган зарар ҳақида хабар келтиргандагина улар билан суҳбатлашолдим. Бугун шу масалага ечим топиш учун ҳазратни кутаётган эдим.

– Менда рўзғорда камчилик кўплиги ва йўқчиликдан чиқиш мақсадида кўп ишлашимга тўғри келгани учун, сармоя уёқда турсин, ҳатто пул жамғаришга қийналяпман, – дея сўз олди бошқа киши. – Бўлмаса, камина билан баравар меҳнат қиладиганларнинг ҳаёти меникига караганда тўқис. Фарзандларига ҳам кўпроқ вақт ажратади.

– Мен эса йиққан пулларимни қаерга сармоя қилишга ҳайронман, – деди яна бир киши атрофга бир қараб кўйиб. – Кичик бир тижоратим бор. Даромадимнинг бир қисмини доимий жамғараман. Аммо пулларимни бирор тижоратга киритишдан хавфсирайман. Айниқса, ҳозир эшитганларимдан сўнг бу ҳадигим янада ортди...

Шу тариқа кўпчиликнинг фикрлари ва айни

дамдаги ҳоллари ҳақида эшитдик. Навбат дўстимга келди. У вазмин, ўктам овозда сўзлай бошлади:

– Дўстларим, азаматларим, сизларнинг тижоратнинг қайноқ бозорида шижоат билан қайнаётганингиз, бизни кўп севинтирди. Муаммоларингизнинг ечими жуда оддий, аввало, ихлос билан Худодан сўраб, меҳнат қилишингиз лозим.

Шу билан бирга, яна баъзи маслаҳатлар борки, уларга амал қилсангиз, инша Аллоҳ, кўп яхшиликларга эришасиз.

Кўп саловат айтинг. Пайғамбаримиз СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМга, аҳли байтига, асҳоблари ва уларга қиёматгача яхшилик билан эргашганларга саловат айтсангиз, бахтли бандалардан бўласиз. Саловат айтадиган одам камбағал бўлиб қолмайди. Дуолари тез ижобат бўлади. Икки дунёда ҳам саодатли бўлади.

Мухаррам ойининг Ашуро кунини ҳеч ўтказиб юборманг. Ўша куни устоз, ота-онангиз, аҳли оилангизга, яқинларингизга кенгчилик қилинг. Уйга бозорлик қилинг. Совғалар

улашинг. Шунда йил давомида АЛЛОҲим ҳам сизларга кўп насиба беради. Рўзғорда етишмовчилик бўлмайди. Оилангизнинг йиллик харажатларини Ашуро кунда ажратиб қўйинг ва у пулларга тегинманг, тижоратда ҳар хил вазиятлар бўлади, пулсиз ҳам қолишингиз мумкин, шунда оилангиз қийналиб қолмайди. Оилангизнинг қийналиши сизнинг шарафингизга нуқсон етказди. Оиласининг оч-тўқлигидан хабардор бўлиш, уларни салоҳда, (яхши таъминлаб) роҳатда ушлаш ғазотдан афзалдир.

Саҳарларда ухламанг. Бойликнинг эшиклари бомдоднинг азон вақти билан фарз орасида очилади. АЛЛОҲимга илтижо қилиб, сўрашда доимий бўлсангиз, энг қисқа замонда мақсадингизга етасиз.

Бўйдоқлар уйланинг, чунки бойликнинг бутун йўллари уйланишдан ўтади.

Бомдод ва шомдан сўнг дангасалик, ожизлик, кўрқоқлик, камбағаллик, бошқаларнинг устингиздан ғалаба қозонишидан паноҳ сўраб, дуо қилинг.

Намозларга эътиборли бўлинг. Айниқса,

суннат намозларини ўтказиб юборманг, шунда фарзларингиз мукамал бўлади. Суннатларни сабабсиз ўқимайдиган ёки атай ташлаб кетадиганларда яхшилик бўлмайди.

Тушунмаган соҳангизга, агар минг жозибадор бўлса ҳам, одамлар мақтаб, тарифласа ҳам, сармоя киритманг.

Сармояни, аввало, АЛЛОҲим сизга фойда келтириб турган ишингизга киритинг. Уни ривожлантиринг, кенгайтиринг. Унга кўпроқ эътибор беринг. Ундан сўнгина бошқа ишларга сармоя қилинг.

Сиз билан фикрлари ўхшаш бўлмаган инсонларни шерик тутманг. Чунки доимий ривожланиш, ўз устида ишлаш муҳим, изланишни истамайдиганлар эса оёғингиздан тортади, холос.

Ўзингиз бошлаган ва юриб турган ишларингизга одам ёлланг. Аммо кимнидир маълум фойдига шерик қилиб олманг. **Чунки ишнинг бошида бўлмаган одам сўнгини ҳам тасаввур қилолмайди.**

Тижоратнинг бошида яхши шерик танлаш йўлнинг ярмини босиб ўтишга тенг. Яъни аввал

бошданоқ сиз фойдадасиз дегани.

Араб, форс, турк тилларини пухта ўрганинг. Бу ишингиз катта илмлар ва имкониятлар учун йўл очади. Бошқалардан камида бир қадам олдинда юрасиз.

Кўп овқат еманг. Яъни бир кунда икки мартадан ортиқ овқатланманг. Шунда соғлом, зеҳнингиз ўткир, шижоатли ва қўрқмас бўласиз. Кўп таомланадиганлар кўрқоқ бўлиб қолади. Натижада имкониятларни қўлдан бой беради. Ҳатто бошқаларга қулликка тушиб қолади. Агар бутун халқ кўп овқат ейишни одат қилса, соғлом ҳаётдан маҳрум қолиб, иши табибларни излаш ва даволаниш бўлиб қолади.

Қорнингиз жуда очганидагина таомланинг.

Жанг санъати билан доимий шуғулланинг. Фарзандларингизга ҳам сузиш, от миниш, камон отиш ва қиличбозликни ўргатинг. Ёшлигидан чайир, мустаҳкам иродали бўлиб улғайсин. Шунда илмда ҳам, ибодатда ҳам, ихтирода ҳам биринчилардан бўласиз. Натижада бутун дунё янгиликларни мусулмонлардан кутади.

Ёлғон гапирманг. Бирор масалада келишмовчлик келиб чиқса, ўтириб бафуржа

муаммони ҳал қилинг ва ундан сўнг уни унутиб, аввалгидек яшанг. Шерикчиликни бекор қилишда ҳам шундай йўл тутинг. Адоват ва араз сақламанг. Бир-бирингиздан ёрдамни тўхтатманг. Акс ҳолда, бошқалардан ортда ҳам қоласиз, душманга ем ҳам бўласиз. Чунки душманлар пайт пойлаб, бизни мавҳ этиш учун ухламайди, режа тузади, улардан ғофил қолманг. Тадбирли бўлинг ва улар мақсадларига етолмасин.

Султоннинг ёки амалдорларнинг одамиман, деб юрадиганлардан эҳтиёт бўлинг. Яхшилаб кузатинг, суриштиринг. Аксар ҳолда улар ўзлари айтганларидек бўлиб чиқмайди. **Чунки султоннинг ёки амалдорнинг одами бу танишликни арзонга сотмайди.** Шунинг учун улардан эҳтиёт бўлинг, ишларингизни битириб бермоқчи бўлса, асло рози бўлманг, муамоларингизни уларга билдирманг, улар билан ошно бўлманг.

Ҳар куни китоб ўқинг. Яхши китоб сизнинг ривожланишингизга хизмат қилади. Файласуфларнинг асарларини ўқиманг, адашиб, шубҳаларга тушиб қолишингиз мумкин. Ҳатто динингизга нуқсон етади.

Бозорни доимий таҳлил қилинг ва сотадиган маҳсулотингизни яхши танланг. Одамларнинг талабларини ўрганинг. Уларнинг ҳаётини енгиллаштирадиган ишлар қилинг.

Тижоратда ўрганганларингизни бошқаларга ҳам ўргатинг. Шунда жамиятда ўсиш бўлади. Энг камида ўз оилаларини яхши таъминлайдиганлар кўпаяди.

Илмингиз, тажрибангизни вафот этмасингиздан олдин бошқаларга улашинг. Инсонлар ҳатто боқий дунёга сафар этганингиздан кейин ҳам сизни дуо қилсин, ўргатганларингизни ҳаётларида кўллаб, фойда топсин.

Устозларингиз, ота-онангиз, жигарларингиз оиласига кўп эътибор беринг.

Маълум даражага етиб, бой бўлгач ҳам, асло ҳаракатдан тўхтаманг. Инсонларга ўрناق бўлинг. Улар учун янги йўллар очинг. Уларнинг интилишларига илҳом беринг. Сизга қараб, кучли мўминлик сари дадил одимласинлар.

Ишларингизда маслаҳат қилишга одатланинг, чунки кенгаш суннатдир. Ўзи билан туриб маслаҳатлашмасдан иш қилган –

чала одам, ўзи била туриб, маслаҳат қилган одам – бутун одам, ўзи билмасдан, маслаҳат қилмайдиган одам – на чала, на бутун одам. Шунинг учун кенгаш муҳим ва келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди у билан олинади. Муваффақият сари тезроқ яқинлашасиз.

Бирор кимдан ёрдам сўрамоқчи бўлсангиз, шунга қодир ва чиндан ёрдам берадиган кишининг олдига боринг.

Чақириқларингизни безътибор қолдирадиган, мурожаатларингизни жиддий қабул қилмайдиган дўстларингизга қайта-қайта илтимос қилманг. Чунки уларнинг ҳолини билмайсиз. Ноўрин улардан ранжиганингиз қолади. Бир-икки мурожаатдан сўнг, уларни безовта қилманг. Чунки бандадан сўрайверсангиз, ёқмайсиз, АЛЛОҲимдан сўрайверсангиз, ёқасиз. Зикр ва дуоларда бардавом бўлинг.

Илмдан, изланишдан, ҳаракатдан асло тўхтаманг. Сиздан кейин келадиганларнинг ҳаётини енгиллаштиринг. Авлодлар аждодларини фақат яхши сифатлар билан ёд этсин.

Шубҳаланаверманг. Бу ҳаловатингизни олади. Натижада, ҳатто намозларингизда ҳам шу ишга машғул бўлиб қоласиз.

Очиқ кўнгил, хушфеъл бўлинг. Одамларга ёрдам беролмасангиз, уларга зарар ҳам берманг.

Жамиятда пайдо бўладиган ҳар қандай иллатларга қарши тулинг ва соғлом муҳит тарафдори бўлинг.

Устоз, ота-она, солиҳлар, олимларнинг дуосини олишга ғайрат қилинг. Шунда йўлингиз доимо очиқ ва дуо сабабидан мушкулларингиз осон бўлади.

Бир тангани бурчингиз сабабли беришингиз, минг танга садақа қилишингиздан яхшидир.

Йиғилганларнинг ҳоллари ҳар тавсияда бир ўзгарар, хатоларини англаганларнинг афсусли бош қимирлатиши кўзга ташланса, шундай тавсиялар керак бўлиб турганларнинг қувончи юзидан сезиларди. Яна кимлардир қоғоз қоралар, тезроқ ишга киришишга шай эди.

Бу сафарги йиғилиш ҳақиқатда бошқача бўлганди. Унда келажак авлод учун ҳам ўзгармас
маслаҳатлар,

амал қилса, аниқ фойда топадиган тавсиялар бор эди.

Ўша лаҳзаларда на биз, на йиғилганлар бу сўнгги учрашув эканини билмас, унинг тажрибаларга бой ҳаёт дарсларидан охири бор таълим бериб тургани хаёлимизнинг бир учидан ҳам кечмас, фикр йўлларимизнинг бирор бурмасини чизмаган эди.

ИНСОНГА БАЛО ЎЗ НАФСИДАН КЕЛАДИ

Шундай кунларимизда халифа Ҳорун ар-Рашид ҳазратлари урушга тайёргарлик ҳақида фармон чиқарди. Византиянинг мусулмонларга нисбатан адовати оқибат Тарсус (Онадўли, ҳозирги Туркия ҳудуди) уларнинг қўлидан кетиб, бизга ўтишига сабаб бўлди.

Шу ёшда ҳам қўлида қилич тутиб, ўктам жангга отландик. Анча вақт юриб, манзилга келдик.

Икки тарафдан ҳам жангчилар тўпланган ва шиддатли кураш бошланадиган бўлиб турибди.

Замонамизнинг одатига кўра, бир баҳодир чиқиб яккама-якка олишув таклиф қилар, ундан сўнг катта жанг бошланарди. Рум кўшинидан бир жангчи майдонга чиқди. Унинг чақирғига жавобан жасур жангчиларимиздан бири унга яқинлашди. Олишув бизнинг аскаримизнинг мағлубияти билан якунланди. Душман томон каттиқ қийқириб, яна бир киши чиқишини истади. Бу ҳолат икки уч бор такрорланиб, енгилиш билан тугади. Шу вақтда юзида ниқоб билан бир жангчи чиқди. Рум аскарига шердек ташланиб, бир ҳамлада отдан йиқитди. Энди бизнинг кайфиятимиз кўтарилиб, улардан яна аскарлар чиқишини талаб қилдик. Улардан неча баҳодирлар мард жангчимизнинг жонига қасд қилиш учун чиқиб, жанг майдонида ўзлари ҳалок бўлди. Кейин уруш бошланиб, бизнинг кўлимиз баланд келди. Тарсусни эгалладик. Хаёлимда ниқобли жангчи. Абдуллоҳ ҳар доим ниқоб билан чиқар, ихлосини бузмаслик учун ўзини билдирмасди. Бу сафар чиққан ким экан? Ёшимиз олтмиш учда. Яна шундай шижоат билан юзига ниқоб тортиб чиқдимикан? Эсладим. Ниҳоят танидим. Унинг кимлигини қиличидан билдим. Кўзимдан ёш чиқиб кетди.

– Биз ёшлигимизда не-не буюк ишлар қилиб, қанча қаҳрамонликлар кўрсатганмиз, улкан тижоратлар ортидан бой бўлганмиз, энди навбат ёшларники, демаймиз. Жамиятда ўлгунча ўз сўзимизни айтиб, инсонларга фойдамиз тегиши учун ҳаракат қиламиз, – дерди Абдуллоҳ.

Мана бугун ҳам, нақд олтмиш уч ёшида мардликнинг намунасини кўрсатиб, қаҳрамонликлари тилларда дoston бўлишига, инсонларга жасурликдан дарс ўтиб, номининг авлодлар қалбида қиёматгача қолишига сабаб бўлди. Ҳақиқатда баҳодирлик қилиб, жанг бизнинг фойдамизга ҳал бўлишига эришди. Дунё учун АЛЛОҲимнинг бир совғаси бу Абдуллоҳ ибн Муборак. Ҳа, биз учун мукофот у.

Жасур жангчи ким эканини халифа ҳам аниқлабди. Отлиқ майдондан узоқлашиб, чодир томон чопганида изидан қўйилган одам унинг Абдуллоҳ эканини аниқлабди. Аммо вафот этгунича, айтмаслик шарти билан ҳатто султонимиз ҳам бир сўз демасдан сукут қилди.

Тарсус қалъасининг устига чиққанимизда Абдуллоҳ қуйидаги мисраларини ўқиди:

*Бало келса, билинг, бордир унга салом
аломат,*

*Кимки унга гирифтордир нафси эмас
саломат.*

*Шаҳватларга берилади нафсга қул бўлган
банда,*

*Хур одам гоҳ оч юради, гоҳ тўқ юрар
топганда.*

У мазкур мисралари билан ҳам шеърятда
фасоҳатини кўрсатди, ҳам юқорида
айтганимиздек, инсоннинг бошига келадиган
бало ўз нафсидан эканини бадий ифодаларда
кўрсатиб берди.

Тарсусдан қайтиб, Ироққа келдик.
Абдуллоҳнинг соғлиги ёмонлаша бошлади.

ҲОРУН АР-РАШИД ҲАЗРАТЛАРИ ТАЪЗИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тарсус (Онадўли, Туркия), Мисис (бугунги
Адана атрофи) даги ғалабалардан сўнг, у
ерларда Абдуллоҳ йигирма минг атрофида

Ҳадиси шариф ривоят қилди.

Жангларда атрофидагиларга таълим берди. Иштиёқи шу қадар эдики, кундузлари жанг қилар, кечалари дарс ўтиб чиқарди. Аммо Ҳадиси шарифнинг аҳли бўлмаганлардан ривоят қилмаганидек, суннати санияга муҳаббати бўлмаганларга дарс ҳам бермасди.

Шу тариқа йиллар ўтди. Мана ёшимиз олтмиш учда. Дўстимнинг хасталиги кексалик сари келиб қолганимизни англатди. Худога шукр, иккимиз ҳам тўшакка миҳланадиган даражада қаттиқ хасталанмадик, бетобликларимиз рўза тутиш орқали чекиниб кетарди. Аммо Абдуллоҳнинг бугунги ҳоли бошқача. Ўзи ҳам сезиб турибди.

Фарзандларини яхши тарбия қилди. Уларга илм, тижоратдан таълим берди. Уларнинг инсонлар учун фойдаси тегадиган бўлди. Жигарбандларининг илмда ғайрат қилаётганидан хурсанд. Шу ўйлар билан анча вақт бир жойда туриб қолибман.

– Абдуссалом, – дея табассум билан ёнига чақирди Абдуллоҳ. – Шу кўп тафаккур ва узун сукут қиласан-да. Сени танимаган одам бу

ҳолни тушунмайди. Дўстим, бойликларимни олим, аҳли илм, толиби илм, фақирларга тарқатиб юбор. Фарзандларим илмли, тижоратдан хабари бор. Ўзларини эплайди. Насиб этса, илм учун дунё кезади ва биздек буюк тижоратлар қилади.

Унинг айтганларини бажардик.

Унинг юришлари ҳамон залворли. Фурот дарёсининг оқар сувлари, кийимларимизни ҳар тарафга тортқилаб турган шамоллар умр ўткинчи эканлигига ишора қилаётгандек. Нам тупроқнинг ҳидини димоғимизга ураётган эпкин кўнглимизга ҳузур бағишлаб, худди дуо қилсак ижобат бўлиб кетаверадигандек бир хис бермоқда. Абдуллоҳ узоқларга тикилиб, тафаккур қилмоқда. Унинг ўктам овозини, табассумли юзини, жўмардликлар қилиб инсонларнинг хожатларини чиқаришини, илм ва тижорат учун дунё кезишини нафақат инсонлар, балки дунёнинг ўзи ҳам яқинда кўрмайди.

Бу ҳақда ёзпман-у, дилим вайрон. Дўстимдан ажралиш оғир. Аҳмад ибн Ҳанбал (Ҳанбалия мазҳаби асосчиси) нинг сўзларини энди тушунмоқдаман. У шундай деганди:

– Мен Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари билан кўришишдан кўрқаман. Чунки учрашсам, у кишига дўст бўлиб қоламан, илмидан баҳра олиб, хузуридан кетолмай қоламан. Мабодо шу таклид ёнимда вафот этса, бу дардни кўтаролмайман. Дийдор қиёматга қолгани маъкул. Шунда буюк олимдан, солиҳ инсондан, муаззам Ҳадиси шариф ровийсидан, зўр тожирдан, фақиҳдан, тенгсиз жангчи – қаҳрамондан, солиҳ дўстдан айрилиш азобини тотмаган бўламан. Дунё у кишига ўхшашини кўрмаган.

Ҳақиқатан ҳам, Абдуллоҳ бу таърифдан ортиқ эди. АЛЛОҲим азиз қилган банда эди.

Унинг ортидан уйга келяпману, кўзим ёшли, кўксим қонли. Индамайман. Индолмайман. Сўзласам, сўзим фарёдга айланиб кетади. Унинг хасталигидан рангим сомон.

Уйга келибоқ, намоз ўқиди. Қуръони Карим тиловат қилди. Кўп саловат айтиб, зикрлар қилди, таҳлил айтди. Вафотидан олдинроқ табассум қилиб, Соффат сурасининг 61-оятини ўқиди ва руҳини Ҳаққа топширди.

Воҳ, бу дунё бир азамат ўғлонидан

айрилди. Бугун Бағдод, бутун Ислом оламин
ғамга тушди. АЛЛОҲим неки яхши сифатлар
бўлса, қолдирмасдан берган солиҳ инсон –
Абдуллоҳ ибн Муборак вафот этди.

Унинг вафоти хабари пойтахтга
етказилганида халифа Хорун ар-Рашид
ҳазратлари белини маҳкам боғлаб, саройда
таъзия қабул қилди.

– Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратлари
олимларнинг саййиди эди, – деди у чуқур ўкинч
билан. – Менинг энг яқин қариндошимдир.
Тириклигида у кишини АЛЛОҲим ҳеч кимга
муҳтож этмаган. Ҳеч кимдан, ҳатто биздан ҳам
ҳадя қабул қилмаган. Ҳадиси шариф ривоят
қилишда мўминларнинг амири ҳамда Раққада
“Амир ал-Мўминин” унвонини олган –
кўнгиллар султонидан айрилдик. Бугун энг яқин
қардошим учун таъзияни саройда қабул
қиламан. Бағдод, Куфа ва яқин атрофдагилар шу
ерга келаверсин.

Асли қариндош бўлмаса-да, султоннинг
ийғлаб айтган сўзлари олимдан тортиб авомгача
кўзини ёшлатди. “**Ҳар кимнинг Ҳолиқдан
умиди бўлса, махлукдан ҳурмат истамайди**”,
дерди дўстим Абдуллоҳ ибн Муборак Р.з.

Ҳақиқатда ҳаётида бировдан ҳурмат ё иззат истамади. Обрў талаб қилмади. АЛЛОҲим унинг мартабасини, даражасини мудом баланд қилди. Ҳатто вафотидан сўнг “Амир Ал-Мўминин” Хорун ар-Рашид ҳазратларига ҳурмат изҳор қилдирди.

Биздан сўнг келадиган авлодларга айтар сўзимиз шу: буюк аждодларингизнинг шонли ҳаётини ўрганинг. Уларнинг дунёда қолдирган изларига боқинг. Шунда динингизни ҳам, дунёнингизни ҳам сақлашингиз осон бўлади. Солиҳларнинг ҳаётини ўрганиш улардек бўлишга интилиш ҳиссини пайдо қилади. Абдуллоҳ ибн Муборак Р.з. дек аждодларингизга муносиб бўлолмасангиз, уларнинг номига доғ ҳам туширманг.

Мана, орадан бир оз вақт ўтди. Фурот дарёси яқинидаги Ҳийт деган жойдаман. Дўстим дарёдек тинмас эди. Дарё ўзида ерга фойдали озуқалар ташиб, инсонлар емоғи учун балиқлар олиб юрса, Абдуллоҳ инсонлар учун илм ташир, гарданида шарафли юк кўтарарди. Оқибат дарёга яқин жойда ётибди. Камина эса тез-тез зиёратга келаман. Шу ерда дўстимнинг илмдан ҳосил бўлган хайрларга тўла ҳаёти, тилларда

достон бўлган мардлик ва қаҳрамонликлари, қиёматгача тожирлар сабоқ оладиган муаззам тижорий йўли ҳақида ўйлайман. Қадрдоним Абдуллоҳ ибн Муборак Р.з.нинг ҳаётини ўрганган инсонларнинг дуолари кулоқларимга эшитилаётгандек бўлади. Кўзим ёшланади. Кўнглим тўлиб, уйга қайтаман. Тижоратимга киришаман...

Дарвоқе, бу ерда келтирилган кўплаб маълумотлар йўқолган кундаликнинг топилган парчаларидан сизларга ҳавола қилинди. Кошкийди уни тўлиқ топсайдик.

АЛЛОҲимнинг суюкли қули, Абдуллоҳ ибн Муборак Р.з. ҳазратлари билан жаннатларда кўришиши насиб қилсин.

Аҳадқули Холмуҳаммад ўғли

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| СЎЗ БОШИ..... | 3 |
| КИРИШ..... | 5 |
| САРМОЯНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ..... | 7 |
| МЕҲМОНСИЗ ТАОМ ЕМАСДИ..... | 15 |
| ИНСОННИНГ ҚАЕРДАН КЕЛГАНИ ЭМАС, ҚАЕРГА ҚАРАБ БОРАЁТГАНИ МУҲИМ..... | 18 |
| НОНИНГИЗ ЯРИМТА БЎЛАДИ..... | 24 |
| БИР ЧИМДИМ ЎТГА ОТИНИ БЕРИБ КЕТДИ..... | 29 |
| МАРВДА ИЛМ МАРКАЗЛАРИ..... | 33 |
| АЛЛОҲ ТАЪОЛОНИ БИЛАСАНМИ?..... | 41 |
| БОТИРЛИК УМРНИ ҚИСҚАРТИРМАЙДИ... .. | 45 |
| ИНСОН КУЧЛИ ТОМОНИНИ ЎЗИ ТОПОЛМАЙДИ..... | 49 |
| САРМОЯМИЗ — ТЎРТ ЮЗ МИНГ ДИНОР..... | 53 |
| МЕН ЁЛГИЗ ЭМАСМАН..... | 56 |
| ҲАМ ИЛМ, ҲАМ ТИЖОРАТ..... | 62 |
| АБДУЛЛОҲНИНГ ДАРС ЎТИШИ..... | 65 |
| ОТА-ОНАМНИ ҒИЙБАТ ҚИЛАРДИМ..... | 69 |
| УСТОЗГА ҲУРМАТ МАНА БУНДАЙ БЎЛАДИ..... | 73 |
| КЎП ЕГАН ЭМАС, ТАНАСИГА СИНГАН ҚУВВАТЛИ БЎЛАДИ..... | 77 |
| НАСИҲАТИ ГЎЗАЛ ЭДИ..... | 83 |
| ЖАНГ ҚИЛМАГУНЧА ЁЗМАДИ..... | 85 |
| ИРОҚДА ТИЖОРИЙ ЙИҒИН..... | 87 |

| | |
|--|-----|
| ОТ ҲАМ ҲАДЯ БЎЛСИН, ПУЛ ҲАМ ЁНИНГДА ҚОЛСИН..... | 95 |
| МАРВДАГИ УЧРАШУВ..... | 101 |
| БИР ЙИГИТ ҚИССАСИ..... | 108 |
| СЕВИНДИМ..... | 111 |
| УМРИНГИЗДАН БИР КУН ҚОЛГАНДА... | 115 |
| НИШОПУР БОЗОРИДАГИ ҲОЛАТ..... | 119 |
| ИМОМ ШОФЕЪИЙНИНГ ТОПҚИРЛИГИ | 123 |
| АБДУЛЛОҲ “АМИР АЛ-МУМИНИН”..... | 129 |
| ИЛТИМОС, ДАРС ЎТИБ КЕТИНГ..... | 135 |
| ИМКОНИЯТЛАРНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!..... | 138 |
| ИНСОНГА БАЛО ЎЗ НАФСИДАН КЕЛАДИ... | 148 |
| ХОРУН АР-РАШИД ҲАЗРАТЛАРИ ТАЪЗИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ..... | 151 |

УЎК 332.234.001

X45

ВВК 866.71.А71

Аҳадқули Холмуҳаммад Ўғли

ISBN 978-9943-8428-1-6

ҲАҚИҚИЙ ОМАД КАЛИТИ ЁХУД САВДОГАРЛАР УСТОЗИ 2
Аҳадқули Холмуҳаммад Ўғли Тошкент:
“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” МЧЖ, 2023.- 160 бет

ҲАҚИҚИЙ ОМАД КАЛИТИ
ЁХУД
САВДОГАРЛАР УСТОЗИ
2

Бош муҳаррир: Дилшод Каримов
Муҳаррир: Шаҳобиддин Ортиқов
Такризчи: Обираҳмат АБДУЛҒАНИЙ
Саҳифаловчи безакчи: Личагин Д.
Мукова рассоми Жўраев Нажотбек
(Фернандес Суареслан намуна олган)

Нашриётнинг гувоҳнома рақами № АИ 274, 15.06.2015 й.

Манзили: Тошкент вилояти,

Паркент шаҳри, Соё бўйи кўчаси, 7-уй.

Боснишга 2023 йил 8-январда рухсат берилди.

Бичими 84x60 1/32 Шартли б.т.10 Нашр т10

Алади 5000 нусха. Буюртма № 20

Баҳоси шартнома асосида

© “ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти, 2023й.

© Аҳадқули Холмуҳаммад ўғли

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Бунёдкор шох кўчаси, 28-уй